Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1990 йил 7 сентябрь
ЖУМА
№ 204 (4.997).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

ПАХТАЗОРДАН ХАБАРЛАР

ҚУВА

Собиржон Ҳайдаров бошлиқ бригада деҳқонлари пахта йиғим-теримини «Социализм» колхозида биринчи бўлиб бошлашганди. Дастлабки тўрт кунда 20 тонна оқ олтин терилган бўлса, ҳозир кунига 7—8 тоннадан хирмон уюлаяпти. Ҳар теримчининг кунлик иш унуми 120—125 килограммни ташкил этмоқда. Чеварлар баҳсида Мукамбархон Раҳматова пешқадам. У бир кунда 120—180 килограммдан дурдона тераяпти. Холисхон Сафарова, Мухтасархон Раҳматова, Дилором Мирзақосимова, Ширмонхон Бойметова сингари кўпмингкилограммчилар ҳам ҳамкасбларидан орқада қолмасликка ҳаракат қилмоқдалар.

— Мавжуд 12 та бригаданинг ҳаммасида теримга тушилди, — деди бош агроном Мўминжон Маматов. — Қўлда терилган бир килограмм пахтага 25 тийиндан ҳақ тўланаяпти. Бундан ташқари, ғолиблар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилаётир. Бу ҳол суръатга суръат қўшмоқда.

Кеча районда «Қизил карвон» байрами бўлди. Унда «Социализм» жамоа хўжалиги меҳнаткашларининг вакиллари ҳам қатнашдилар. Шу куни қабул пунктларига колхоз бўйича жами 150 тонна юқори нав пахта топширилди.

Б. ХОЛМАТОВ.

ДЕНОВ

«8 Март» жамоа хўжалигининг М. Бўриев бошлиқ бригадаси пахтакорлари 81 гектар майдонда мўлжалдаги ҳосилни тўплашга эришдилар. Ватан хирмонига ҳар гектар ердан 33,7 центнердан, 273 тонна оқ олтин ҳадя этилади.

Ҳозир далаларда йиғим-терим жадал бормоқда. Х. Йўлдошева, Б. Менгниёзова, Д. Холиқова, Г. Бўрнева, Ж. Маматқулова каби теримчилар басма-басига ҳаракат қилиб, ҳар куни этаклардан 100—120 килограммдан дурдона тўкмоқдалар. Бу чеварларнинг барчси мавсумда 7—10 тоннадан хом ашё териш мажбуриятини олишган.

Айни пайтда жамоада машина теримига ҳам пухта тараддуд кўрилмоқда. ОВХ аппаратлари ёрдамида ғўза сифатли баргсизлантирилаяпти. Ўқариқлар текисланиб, пайкаллар четн тозаланаётир. Механик-ҳайдовчилар эса ўз агрегатларини яна бир карра кўздан кечирмоқдалар.

Ў. БЕКМУРОДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН

Ғафур Ғулом номли жамоа хўжалиги миришкорлари бу йил 1500 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, 40 центнерлик маррани қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштирдилар. Эндиги вазифа: уни нестнобуд қилмасдан тезроқ йиғиштириб олиш.

Шу кеча-кундузда барча бригадаларда йиғим-терим уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Бу юмуш айниқса С. Раззоқов, М. Мамажонов, А. Раҳимов бошлиқ жамоаларда намунали ташкил этилганлиги туфайли ҳар куни йиллик режанинг 1,5—2 фоизи миқдорда хом ашё тайёрланаяпти.

Р. ҲАМИДОВ.

Жарқўрғон районидаги «Социализм» жамоа хўжалигининг Райимшукур Абдурайимов бошлиқ бригадаси пахтакорлари жорий йилда 68 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳозир уни йиғиб-териб олиш уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Чеварлар баҳсида Ойгул Юсупова пешқадам. У ҳар куни этакдан 100—120 килограмм дурдона тўкмоқда.

СУРАТДА: илғор теримчи Ойгул Юсупова.

Е. ХЎЖАМБЕРДИЕВ олган сурат.

КРЕМЛДАГИ УЧРАШУВ

СССР Президенти М. С. Горбачевнинг Молдова жумҳурияти Президенти М. И. Снегур ва жумҳурият Министрлар Кенгашининг раиси М. Г. Друк билан учрашуви бўлиб ўтди. Улар жумҳуриятдаги сиёсий вазият ҳақида, вазиятни барқарорлаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида СССР Президентига ахборот бердилар. Молдованинг олий раҳбарлари Молдова мустақил жумҳурияти СССР таркибида, бошқа иттифоқдош давлатлар билан, мамлакатнинг барча халқлари билан бирдамликдагина муваффақиятли ривожланиши, ижтимоий янгиланиш йўлидан олға бориши мумкинлигига ишончлари комил эканини таъкидладилар. Улар бутун мамлакат иқтисодиётини умумиттифоқ бозори, мустаҳкам хўжалик алоқалари негизида янги иқтисодий муносабатларга тезроқ ўтказиш ва янги иттифоқ шартномасини тайёрлаш зарурлигига эътиборни қаратдилар.

М. С. Горбачев жумҳуриятнинг мустақил давлатлар иттифоқи таркибидаги яхлитлигини сақлаб қолиш, барча масалаларни сиёсий усуллар билан, ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, иноқлик ва холис ният асосида ҳал этиш керак, деган фикрда қатъий турганини айтди. Миллатлараро муносабатлар айниқса нозик иш, деди сўзини давом эттириб М. С. Горбачев, бу иш вазминлик билан қарорлар қабул қилишни, хилма-хил барча манфаатларни, ҳар қандай тадбирларнинг оқибатларини аниқ ҳисобга олишни талаб қилади. Ҳис-ҳаяжон, шубҳагумон, айниқса қарама-қарши туриш вазиятни чигаллаштириши ва мураккаблаштириши мумкин.

М. С. Горбачев жумҳуриятларнинг жумҳуриятдаги аҳволни нормаллаштириш юзасидан дарҳол сиёсий чора-тадбирлар кўриш ниятида эканликларини маъқуллади.

Суҳбатда СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси А. Н. Яковлев қатнашди.

(ТАСС).

РСФСР КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ ТАЪСИС СЪЕЗДИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

1990 йил 5 сентябрь куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида РСФСР Коммунистик партияси таъсис съезди иккинчи босқичининг иши давом этди.

РСФСР Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. К. Полозков раислигида ўтган эрталабки мажлисда делегатлар РСФСР Компартияси Марказий назорат комиссиясининг раиси лавозимига номзодларни муҳокама қилдилар.

Шундан кейин съезд РСФСР Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссияси таркибига сайлаш учун кўрсатилган номзодларни кўриб чиқишга киришди.

Кундузги мажлисда КПСС Марказий Комитетининг котиби Ю. А. Манаенков раислик қилди. Асосий маруза юзасидан бўлган мунозарада: КПСС Удмуртия вилоят комитетининг биринчи котиби Н. И. Сапожников, «Горький автомобиль заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари О. И. Чабак, Ростов вилоятининг Ремонтное районидаги Калинин номли колхоз раиси П. В. Жилин, Чита давлат тиббиёт институтининг кафедра мудири А. О. Баринов, РСФСР комсомоли Марказий Комитетининг биринчи котиби В. В. Елагин, Красноярск қурилиш инженерлари институтининг катта илмий ходими М. Д. Северьянов, Куйбишев вилоятидаги В. И. Ленин номли металлургия ишлаб чиқариш бирлашмаси парткомининг котиби А. В. Попелишко, 10729-ҳарбий қисм катта илмий ходими А. В. Годунов, КПСС Ленинград вилоят комитетининг котиби Ю. П. Белов сўзга чиқдилар.

Кечки мажлисда саноқ комиссиясининг раиси И. П. Воробьев танаффус вақтида бўлиб ўтган яширин овоз бериш натижаларини эълон қилди. Ю. А. Гагарин номидаги ҳарбий-ҳаво академиясининг катта муаллими Н. С. Столяров кўпчилик овоз билан РСФСР Компартияси Марказий назорат комиссиясининг раиси қилиб сайланди.

Сўнгра мунозара давом этди. Унда Москва вилоятидаги Солнечногорск халқ судининг раиси Ю. М. Слободкин, Доғистон электр-термик асбоб-ускуналар заводининг бригадири М. А. Гасанов қатнашдилар.

ОЛҒА ҲАРАКАТ

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси Р. Н. Нишонов Москвада янги иттифоқ шартномасини тузиш юзасидан ўтказилган маслаҳат учрашувларини фойдали ва самарали деб атади. 5 сентябрь куни у Кремлда совет оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан учрашиб, совет кишиларини қизиқтираётган шу мавзу хусусида СССР Олий Совети, ҳукумати ва жумҳуриятларнинг ишчи гуруҳлари ўртасида бўлган суҳбатлашувларнинг якунлари тўғрисидаги фикрларини айтиб берди.

Аввало шу нарса қайд этилдики, маслаҳатлашувлар жараёни мураккаблигига, билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг бир-бирига зидлигига, бўлажак ҳужжатнинг мазмуни хусусидаги таклифларнинг нуқталари кўплигига қарамай, бир нарса ойдинлашди: учрашувларнинг қатнашчилари янги иттифоқ шартномасининг тарихий жиҳатдан муҳимлигини ва уни жуда яқин муддатларда тузиш зарурлигини англада анча олдинга силжидилар. Иттифоқни тубдан янгилаш зарурлиги ҳақидаги фикрлар бир-бирига тўла-тўкис ўхшашлиги маълум бўлди. Бунда гап демократик негизларга асосланган туб ислоҳотлар ҳақида, халқларни ихтиёрийлик, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида бирлаштирадиган мустақил жумҳуриятларнинг янги иттифоқини барпо этиш тўғрисида бормоқда.

Жумҳуриятларнинг давлат мустақиллигини тасдиқлайдиган декларациялар ёки шунга ўхшаш бошқа ҳужжатлар янги негизларнинг илк асоси бўлмоғи керак, деди Р. Н. Нишонов. У барча иттифоқдош жумҳуриятлардан маслаҳатлашувларда қатнашган кишилар иттифоқчилик муносабатларини сақлаб қолиш кераклигини айтганликларини ҳам маълум қилди. Бироқ янги ҳамдўстликни ташкил этишнинг аниқ шакллари тўғрисидаги масала хусусида турли-туман фикрлар бор. Жумҳуриятларнинг кўпчилик вакиллари федератив асосларда бирлашиш тарафдоридирлар, бунда улар ўтмишдагидан ва ҳозиргидан мутлақо бошқача бўлган ички федератив муносабатларни назарда тутмоқдалар. Бир қанча жумҳуриятларнинг вакиллари иттифоқни конфедератив негизларга қуриш мумкин, деган фикрни ўртага ташладилар. Эҳтимол, деди палата раиси, бизнинг ноёб кўп миллатли иттифоқимиз келажагини «федерация», «конфедерация» тушунчалари доираси билан боғлаб қўйишга уриниш жоиз эмасдир, эҳтимол, жумҳурият тузилмалари билан иттифоқ идораларини бир-бири билан боғлайдиган янги қарорларни, ўзгарувчан, халқчил усулларни қидириш керакдир.

Белоруссия, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Озарбайжон делегацияларининг муҳокама учун иттифоқ шартномасининг ўз лойиҳаларини тақдим этганликлари, РСФСР, Молдова, Украина, Арманистон ва Грузиянинг ишчи гуруҳлари эса, янги иттифоқ хусусидаги ўз фикрларини, шартнома қоидалари ҳақидаги ўз нуқтаи назарларини у ёки бу тарзда баён этиб бергенликлари маълум қилинди.

СССР билан айрича фикрда турган Болтиқбўйи учала жумҳурияти ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бутун мажмуига оид алоҳида маслаҳатлашувлар давом этмоқда.

Журналистларнинг, масалан, қайси соҳада фикрлар бир-биридан энг кўп фарқ қилганлиги тўғрисидаги саволларига жавоб қайтарар экан, Р. Н. Нишонов, жумладан, СССР Иттифоқи субъектлари ўртасидаги ваколатлар билан бўлажак иттифоқнинг ваколатларини фарқлаб қўйиш муаммоларини тилга олди.

Маслаҳатлашувлар чоғида келишиб олинганидек, ҳозир Москвада асосий муаммолар билан шуғулланувчи экспертларнинг тўққизта гуруҳи иш бошлади, деди Р. Н. Нишонов. Жумҳуриятларда ҳам экспертларнинг гуруҳлари ва ишчи гуруҳлари тузилган, иттифоқ шартномаси концепциялари, шартнома лойиҳасининг турли нусхалари ишлаб чиқилмоқда. Аммо буларнинг ҳаммаси — дастлабки босқич. Илгари силжимоқ керак. Президентлик Кенгаши билан федерация кенгашининг яқинда бўлиб ўтган қўшма мажлисида янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқадиган тайёргарлик комитетини тузиш, комитет таркибига жумҳуриятларнинг олий давлат мансабдор шахслари бошчилигидаги ваколатли делегацияларни киритиш ва бу ишда СССР Президентининг, СССР Олий Совети раиси ва СССР Министрлар Совети раисининг бевосита иштирок этиши ҳамда комитетнинг ишини сентябрь ойининг ўрталарида бошлаб юбориш ҳақида шартлашиб олинди.

Бизнинг назаримизда, деди Р. Н. Нишонов, янги иттифоқ шартномасининг лойиҳасини тайёрлаш соҳасидаги бутун ишни бозор муносабатларига ўтиш, Бутуниттифоқ бозорини шакллантириш масалаларини ҳал этишдан ажратиб бўлмайди.

(ТАСС).

МУЛОҚОТ ҚИЛА БИЛИШ КЕРАК

РСФСР Компартияси таъсис съездининг 5 сентябрдаги эрталабки мажлиси энг масъулиятли лавозимлардан бири — назорат комиссияси лавозимига номзод кўрсатишдан, бошланди. Назорат комиссияси тўғрисидаги низомни делегатлар бир кун олдин қабул қилган эдилар.

Делегациялар вакиллари мажлисида бу лавозимга КПСС Чита вилоят комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Советининг раиси Н. И. Мальковни тавсия этишга қарор қилинди.

Ленинград ташаббускор съезди вакили ана шу лавозимга муқобил номзод сифатида съездга таклиф этилган новосибирсклик ишчи В. П. Байдужини кўрсатди. Ю. А. Гагарин номли ҳарбий-ҳаво академияси катта ўқитувчиси делегат Н. С. Столяров номзоди ҳам кўрсатилди. Даъвогарлар ўзлари ҳақида сўзлаб бердилар, ўз позицияларини, комиссия фаолиятига шахсий қарашларини баён қилиб бердилар. Уларнинг фикрича, партия назоратига оммавий тус бериб, унинг демократик табиатини тиклаш ва Ленин давридаги мустақиллигини таъминлаш зарур. Назорат комиссияси партияга ҳам, жамиятга ҳам шунча кулфат келтирган барча иллатларга қарама-қарши туриши лозим. Назорат комиссияси инквизиция эмас, лекин у қатъий ҳаракат қилиши, сўз ва ишнинг оғишмай бажарилишига эришиши керак.

Номзодлар муҳокамаси қизғин ўтди, баъзан одоб нормалари ҳам бузилди. Таҳқирловчи гапларни айтганлиги ва қўполлиги учун залдан чиқариб юбориш тўғрисидаги талаблар ҳам эшитилди, бу эса «айтилган сўз — отилган ўқ» деган халқнинг доно гапларини эслашга, юксак минбардан айтилган сўзнинг алоҳида масъулияти ҳақида ўйлашга мажбур қилди. Делегатлар «отилган ўқни» ушлаб қолишга уринган пайтлари ҳам бўлди, стенограммадан даъвогарлардан бирининг, юмшоқ қилиб айтганда, ўринсиз айтган гапини чиқариб ташлаш учун овоз бердилар. Фикрлар номзодларни тўла қўллаб-қувватлашдан тортиб, ўз номзодини қайтариб олишгача хилма-хил эди.

Пировард натижада яширин овоз бериш учун рўйхатга уч киши — Н. И. Мальков, В. П. Байдужи, Н. С. Столяров номзодларини киритишга қарор қилинди.

Танаффусдан сўнг делегатлар Марказий Комитет ва назорат комиссияси таркибига номзодлар кўрсатишга киришдилар. Уларни сайлаш учун яширин овоз беришни ана шу комиссия раисини сайлаш билан бир вақтда ўтказишга қарор қилинди.

Съезднинг биринчи босқичида ажратилган норма рўйхати билан Марказий Комитетнинг 153 аъзоси сайланган. Шундан буён улардан 6 киши партиянинг сайлаб қўйиладиган уч органига сайланганлиги, бу эса КПСС Уставига зид бўлгани учун вазифаларидан озод қилишни сўради. Илтимос қаноатлантирилди.

Шундай қилиб, Марказий Комитет таркибида ҳозир 147 коммунист бор, нормага мувофиқ рўйхат билан яна 45 кишини сайлаш керак. Съезднинг биринчи босқичида қабул қилинган қарорга мувофиқ Марказий Комитет аъзоларининг учдан биригача қисми иккинчи рақамли рўйхат билан сайланиши мумкин. Ў ҳолда РСФСР Компартияси Марказий Комитети аъзоларининг умумий сони 271 кишидан иборат бўлур эди.

Делегатлар РСФСР Компартияси Марказий Комитети таркибига аниқлик киритдилар, янги номзодларни таклиф қилдилар, турли босқичларда кўрсатилган бир қанча номзодлар ўз номзодларини қайтариб олишди, бошқа баъзилар ўз номзодлари овозга қўйилишини ҳаракат дастури тўғрисидаги масала ҳал қилиниши билан боғлиқ қилиб қўйдилар. Уларнинг фикрича, олдин партиянинг стратегияси ва тактикасини белгилаб олиш, шундан кейингина белгиланган сиёсий йўлни амалга оширадиган одамларни сайлаш керак.

Баҳслардан кейин яширин овоз бериш йўли билан сайлаш учун Россия Компартияси Марказий Комитетига номзодлар рўйхати тасдиқланди. Депутатлар овоз беришга киришдилар.

Сўнгра депутатлар РСФСР Компартияси ҳаракат дастурини муҳокама қилишни давом эттирдилар. Нотиқларнинг кўпчилиги ҳужжатни танқид қилди, унинг аниқ эмаслигини, мавҳумлигини, бир қанча қоидалар КПСС XXVIII съезднда қабул қилинган дастурий баёнотга мос эмаслигини айтдилар. Лойиҳани қайта ишлаб чиқиш ва яқин келажакда бошланғич ташкилотларда муҳокама қилингандан кейин уни Марказий Комитет пленумида ёки бошқа қандайдир анжуманда қабул қилиш таклиф этилди.

Лекин бошқа фикрлар ҳам бўлди. Нотиқлардан бири айтганидек делегатлар съезднинг икки босқичини ўтказиб, Компартия фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб берадиган ҳужжатни қабул қилмасалар, жойлардаги коммунистлар уларни тушунолмай қоладилар.

Марказий назорат комиссияси раиси сайлови натижалари эълон қилинди. Бу лавозимга кўпчилик овоз билан Н. С. Столяров сайланди. У сўз олиб, эзгулик, виждон, қадр-қимматга — ана шу умумбашарий қадриятларга уларнинг чинакам мақомини қайтариб берадиган пайт келганлигини айтди. Марказий назорат комиссияси партия одоби, партиявий ўртоқлик ва принципиаллик мактаби бўлиши мумкин ва лозим. Комиссиянинг янги раиси ислоҳотчи коммунистларга, бошқа платформалар ва оқимлар вакилларига, барчага мурожаат қилиб, Компартия обрўсини оширишга кўмаклашишга чақирди.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

(ТАСС).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

АСПИРАНТЛАР, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ, ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ СТИПЕНДИЯЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Олий ўқув юртлари талабалари ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш ва уларнинг моддий аҳволини яхшилаш, мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида:

1. Барча аспирантлар, олий ўқув юртларининг талабалари ва ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1990 йилнинг 1 сентябридан 30 фоизга қадар кўпайтирилсин.

2. Аспирантлар, талабалар ва ўқувчиларга зарур маданий-маиший шароит яратиш ҳамда уларнинг ижтимоий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун барча даражалардаги ўқув юртларининг ректорлари ва директорлари зиммасига шахсий жавобгарлик юклатилсин.

3. Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши ушбу фармондан келиб чиқадиган барча масалаларни ҳал этсин ва стипендияларга қўшимча ҳақ тўлашни белгилашда табақалаштирилган ҳолда холисона ёндашувни таъминласин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 4 сентябрь.

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ ШАРҲИ

Ўзбекистон ССР Президентининг «Аспирантлар, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари стипендияларини ошириш тўғрисида»ги фармони кўп вақтдан буён тайёрланаётган эди. Гап шундаки, аспирантлар, студентлар ҳамда ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг таъминот ва турмуш даражаси турмуш қийматининг ортиши ва нархнинг қимматлашишини ҳисобга олганда жумҳурият раҳбариятини жиддий ташвишга солган эди ва ҳозир ҳам ташвишга солмоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда аҳолининг 45 фоиздан кўпроғи қашшоқ яшаётганлиги, студентларнинг кўп қисми аҳолининг худди шу табақасига мансублиги, бунинг устига уларнинг кўпи ётоқхона билан таъминланмаганлиги ҳисоба олинса, студентларнинг моддий аҳволи қанчалик ночор эканлиги равшан бўлади.

Жумҳуриятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболлари, уни маънавий жиҳатдан тиклаш, жумҳуриятнинг келажаги тўғрисида ўйлар эканмиз, сўзсиз равишда биз бу ишларни қандай мутахассислар тайёрлаётганлигимиз, улар мамлакатимиз фуқароси сифатида ҳар томонлама камол топиши учун, улар кучини ва вақтини кўпроқ бевосита ўқишга, мустаҳкам билим олишга сарфлаши учун ҳозир қандай шароит яратиб бераётганлигимиз билан боғлаймиз.

Уларнинг баъзилари ўқиш жараёнида ота-оналаридан олаётган моддий ёрдам ана шу оилалар бюджетига қатиқ таъсир қилмаслиги кераклигини тушунамиз. Ниҳоят бунда кўп болали оилаларнинг бошқа аъзолари, айниқса болалар ўзларини камситилган деб ҳис қилмасликлари лозим.

Буларнинг ҳаммаси аспирантлар, олий ўқув юртларининг талабалари ҳамда ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари стипендияларини кўпайтириш учун қўшимча резервларни қидириб топиш зарурлигини қатъий тақозо этмоқда.

Жумҳурият Президенти ана шуларни ҳисобга олиб, аспирантлар, студентлар ва ўқувчи ёшларнинг моддий аҳволини яхшилаш учун шу йил 1 сентябрдан бошлаб уларнинг стипендияларини кўпайтиришни зарур, деб ҳисоблади. Ана шу мақсадга 1990—1991 ўқув йилининг ўзидагина салкам 90 миллион сўм ажратилади. Умуман 390 минг аспирант, студент ва ўқувчи бюджетига барака киради. Бунда аспирантлар стипендияси ўртача 180 сўмга, педагогика олий ўқув юртлари студентлари стипендияси — 60 сўмгача, техника, табобат ва бошқа олий ўқув юртлари студентлари стипендияси — 55 сўмгача етади. Ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендияси ўртача 40—45 сўмни ташкил этади.

«Яхши» ва «аъло» ўқийдиган студентлар учун қўшимча моддий омил пайдо бўлади. Масалан, «яхши» баҳога ўқиётганлар стипендияси 65—72 сўмни, аълочилар стипендияси эса 78—87 сўмни ташкил этади.

Фармондан келиб чиқадиган масалаларни холисона ҳал қилиш учун жумҳурият Министрлар Кенгашига уларни нечанчи курслигига, танлаб олинган мутахассислигига қараб, таълим бериш шароитларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиш, бунда ижтимоий адолатни таъминлаш топширилди. Шу билан бир вақтда аспирантлар, студентлар ва ўқувчиларга зарур маданий-маиший шароитни яратиб бериш ҳамда уларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш учун шахсий жавобгарлик барча ўқув юртлари ректорлари ва директорлари зиммасига юклатилди.

Бу нимани билдиради? Ўқув юртларининг раҳбарлари студентлар ва ўқувчилар учун зарур шарт-шароит яратишни ўз фаолиятининг асосий вазифаси деб ҳисоблашлари лозимлигини билдиради. Студентлар ва ўқувчиларнинг қонуний ҳуқуқлари ва энг муҳим манфаатлари ҳамма нарсадан устун турши керак.

Гап мустақилликни кучайтириш, ижтимоий манфаатлар ва ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, аспирантлар, студентлар ва ўқувчи ёшларга самарали ўқиш ва ишлаш учун зарур шароитларни яратиш тўғрисида бормоқда.

Президент фармонининг амалга оширилишини назорат қилиш Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши зиммасига юклатилди.

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРАЯПТИ?

Жумҳурият вилоятларида ғўзани баргсизлантиришнинг борши тўғрисида шу йил 6 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Биринчи устун — вилоятлар, иккинчи устун — ғўзани баргсизлантириш режаси (минг гектар), учинчи устун — бир кунда, тўртинчи устун — мавсум бошидан (режага нисбатан фоиз ҳисобида).

Сурхондарё	110	4,5	22,0
Жиззах	137	6,6	19,0
Самарқанд	100	4,3	11,4
Тошкент	121	4,5	10,2
Қашқадарё	183	3,1	9,8
Сирдарё	152	3,9	9,1
Бухоро	115	2,3	6,3
ҚҚАССР	120	2,0	5,8
Хоразм	70	2,7	4,9
Фарғона	90	1,2	2,2
Наманган	73	1,6	2,1
Андижон	110	1,0	1,0
Жумҳурият бўйича	1381	3,3	9,3

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида кенгайтирилган кенгаш бўлиб ўтди. Унда жумҳурият халқ хўжалиги мажмуининг ўтган саккиз ойлик иш якунлари, 1991 йилги планни тузиш ва уни моддий-техникавий воситалар билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Кенгаш ишида жумҳурият партия ва хўжалик ходимлари, министрликлар, идоралар, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Ш. Р. Мирсаидов кенгашда сўзга чиқиб, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кўпгина корхоналар ҳали бир тўхтамга келмаганликларини уқтириб ўтди. Иқтисодчи олимларнинг тахминларига кўра, шу йилнинг тўртинчи чорагидаёқ мамлакатда ишлаб чиқариш даражаси 10—15 фоиз камайиши эҳтимоли бор. Бу ҳол Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини, Ўзбекистон ССР Олий Советини, жумҳурият Министрлар Советини жуда ташвишга солмоқда. Саноат ўз маҳсулотини етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятларини атиги 98,8 фоиз бажарганлиги Ўзбекистон халқ хўжалигидаги мураккаб аҳвол ҳали ҳам давом этаётганидан далолат беради. Ҳар беш бирлашма ва корхонанинг деярли битраси давлат буюртмасини уддалай олмади. Қарийб 156 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Ў. Қ. Исмоилов ўз нутқида, жумладан, жумҳурият саноатида ишлаб чиқариш ҳажмларининг кўпайиши бутунлай тўхтаб қолганини таъкидлади. Прокат, ўзгарувчан ток электр моторлари, экскаваторлар, осма кранлар, холодильниклар, олтингугурт кислотаси, минерал ўғит, ип газлама, пайпоқлар кам ишлаб чиқарилди.

Август ойида кўпгина корхоналар бир маромда ишламади. Масалан, «Подъемник» бирлашмасида августнинг 26 куни ичида осма кранлар ишлаб чиқариш режаси бор-йўғи 46,5 фоиз бажарилди. «Ташсельмаш» маҳсулотнинг атиги 39,1 фоизини ишлаб чиқарди. Самарқанд мебель фабрикасида, Андижон ип газлама бирлашмасида, Ильич пайпоқ фабрикасида ҳозир ҳам мана шундай ачинарли аҳвол давом этмоқда...

Ишдаги бундай кўнгилсиз аҳвол хом ашё ва бутлаш буюмларининг йўқлиги туфайлигина эмас, ишлаб чиқаришни ташкил этиш устидан назорат бўшашиб кетганлиги оқибатида ҳам рўй берди. Халқ хўжалигини бошқарадиган маҳаллий идоралар эса кўпинча бор аҳволни қайд этишдан нари ўтмай, аниқ чора-тадбирларни кўриш ўрнига турли баҳоналарни тўқиб чиқариш билан шуғулланмоқдалар.

Халқ хўжалик мажмуининг бошқа тармоқларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Химия ва металлургия саноати корхоналари ишидаги беқарорлик сезилиб келди. Чунончи, химиклар химиявий тола ва кир ювиш кукуни ишлаб чиқариш режаларини ошириб бажарган бўлсалар ҳам, бироқ кўп миқдордаги аммиак, олтингугурт кислотасини кам бердилар. Натижада фосфатли ва азотли ўғитлар ишлаб чиқариш режаси бажарилмай қолди.

Металлургия корхоналари — Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, «Ўзвторчермет» бирлашмаси маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини бултурги даражадан анчагина пасайтириб юбордилар. Улар шарнома да белгиланганга нисбатан 14 миллион сўмлик маҳсулотни кам етказиб бердилар. Хом ашёнинг етишмаслиги ҳамон металлургларнинг қўлини тутмоқда. Масалан, деҳқончилик-саноат мажмуининг корхоналари 48,7 минг тонна темир-терсакни етказиб бермаган экан, Ўзбекистон металлургия заводи истеъмолчини прокат билан қандай қилиб таъминлай олади? Шунинг оқибатида 20,8 минг тонна пўлат, 60 минг тонна прокат кам ишлаб чиқарилди.

Ёқилғи-энергетика мажмуи корхоналарида ишлаб чиқариш дастурини таъминлаш ишининг аҳволи бирмунча яхшироқ. Йил бошидан бери бу корхоналарда 40 миллиард киловатт-соатга яқин электр энергия ҳосил қилинди, 27 миллиард куб метр газ, 800 минг тоннадан кўпроқ нефть, 1 миллион тонна газ конденсати, 4 миллион тоннадан кўпроқ кўмир қазиб олинди. Аммо бу соҳада ҳам бирталай муаммолар бор.

Кенгашда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг қониқарсиз аҳволига кўп эътибор берилди. Гарчи жумҳурият Енгил саноат министрлигининг корхоналари камчил моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш суръатларини анчагина оширишни таъминлаган бўлсалар ҳам, аммо улар мутлақо етарли эмас. Дўконларнинг пештахталари ҳувиллаб ётганлиги ва одамларнинг ҳаққоний норозиликлари бунинг далилидир. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, чунки Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги ип газлама ишлаб чиқариш режасини муттасил бажармай келмоқда. Шу ойлар ичида 40 миллион метрга яқин ип газлама, 1,9 миллионта трикотаж буюм, 2 миллион жуфт пайпоқ кам ишлаб чиқарилди. Министрликнинг 84 та корхонаси бўлса, шунинг учдан бир қисми режани уддалай олмаяпти. Бунга хом ашё билан таъминлашдаги узилишларгина сабаб эмас. Кўпгина бўлинмаларда кадрлар, айниқса юқори малакали мутахассислар етишмаяпти, уларсиз технология тартиб-қоидаларига риоя этилишини таъминлаб бўлмайди. Шунинг оқибатида машина-ускуналар бекор турибди, корхоналар зарар кўриб ишлаяпти, баъзилари эса абгор бўлиш ёқасига келиб қолди.

Жумҳурият Маҳаллий саноат министрлиги системасида ҳал этилмаган муаммолар анчагина. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига биноан маҳаллий саноатда шу йилнинг биринчи ярмида 78 та район ва шаҳар деҳқончилик-саноат комбинатлари барпо этилди. Ҳозиргача уларнинг атиги ярми маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди. Шу корхоналарни машина-ускуналар билан таъминлаш суръатларига риоя этилмаяпти. Жойлардаги маъмурлар уларни ташкил этишда камдан-кам амалий ёрдам бермоқдалар.

Кенгашда сўзга чиққан Ўзбекистон ССР Давлат план комитети раисининг ўринбосари Х. Н. Тожиевнинг таъкидлашича, жумҳуриятда келгуси йил учун бевосита шартномалар тузиш соҳасидаги иш суст олиб борилмоқда. Шу сабабли иттифоқ ва республика қарамоғидаги корхоналарнинг раҳбарлари бозор муносабатларига ўтиш яқинлашган сайин ташвишга тушмоқдалар. Бугунги кунгача жумҳуриятда бинокорлик материалларини етказиб бериш хусусида 50 фоиз атрофида, ёғоч етказиб бериш хусусида эса бундан ҳам камроқ — атиги 32 фоиз атрофида шартнома тузилган. Энди марказ фондидан материал ажратилишига умид боғлаб бўлмайди. Корхона ва ташкилотларнинг муваффақиятли ишлаши кўп жиҳатдан жумҳурият ва мамлакатнинг турдош корхоналари билан бевосита шартномалар тузилишига боғлиқ бўлади. Бунинг учун эса аввало 1991 йилги эҳтиёжни аниқ белгилаш зарур.

Бозор муносабатларига ўтилиши жумҳуриятнинг кўпгина корхоналарини доғда қолдириши мумкин. Шундай бўлмаслиги учун йил охиригача қолган вақтда иқтисодий концепцияни равшанлаштириб олиш, маҳсулот етказиб берувчилар билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш керак. Малакали кадрларнинг нормал ишлаши ва яшаши учун муносиб шароит яратиш зарур деб топилди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Р. А. Попов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари М. М. Орипжонов, Т. Я. Шарипов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ КОМИТЕТЛАРИДА

Мамлакат Олий Совети апрель ойида қабул қилган «СССРда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий асослари тўғрисида»ги СССР қонуни амалда ҳаракат қилмаяпти. СССР халқ депутатлари — халқ депутатлари Советларининг иши, бошқариш ва ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш масалалари комитетининг парламент таътили вақтида жойларда бўлган ҳамда келгуси душанба куни очиладиган СССР Олий Совети IV сессияси олдидан Москвада беш кунлик амалий кенгашга тўпланган аъзолари худди шундай хулосага келдилар.

Иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар олий Советларининг, маҳаллий Советларнинг қонунни амалга оширишга доир ишлари тўғрисида депутатлар тўпланган ахборотларни таҳлил қилиш қайғули хулосаларга олиб келмоқда. Жойлардаги ҳокимият янги қонун ўзига бериб қўйган ҳаракат эркинлигидан нима учун фойдаланмаяпти, деб халқ ҳайрон бўлмоқда. Депутатларнинг ҳисоботларига қараганда, маҳаллий Советлар кўпчилигининг раҳбарларини ана шу эркинлик бўғиб қўйди ва улар ўзларини йўқотиб қўйдилар: қарорлар қабул қилиш ўрнига ҳукумат ва унинг идораларидан фармойиш ва йўл-йўриқлар беришини кутиш давом этмоқда.

Комитет аъзолари бу масалани равшанлаштириш учун 5 сентябрдаги мажлисга СССР Министрлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Л. А. Воронинни, СССР Давлат план комитети, иттифоқ молия ва адлия министрликлари вакилларини таклиф қилдилар. Улар берган изоҳлар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ислоҳоти жуда қониқарсиз бораётганлиги сабабларини қисман тушунтиради, холос. Лекин депутатларнинг уларнинг далилларига ишончсизлик билан қарашга асослари йўқ эди. Иттифоқ шартномасининг йўқлиги, шунингдек бозор муносабатларига ўтиш дастури қабул қилингач, маҳаллий Советларнинг мулкий ва молиявий аҳволида сўзсиз равишда юз берадиган туб ўзгаришларни кутиш қайта қуриш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қонун амал қилмаётганининг асосий сабаби қилиб кўрсатилди.

Комитет раиси Н. Д. Пивоваров айтганидек, бундай қийин вазиятда, табиийки, ҳукумат вакиллари билан амалий кенгаш амалий қарорлар қабул қилиш билан тугаши мумкин эмас эди. Яна бир бор учрашиш, яъни СССР Президенти навбатдаги сессияда кўпдан буён кутилаётган дастурни эълон қилгандан кейиноқ бу учрашувни ўтказиш тўғрисида келишиб олинди. Комитет аъзолари дастур сессия ишининг биринчи ҳафтаси давомида эълон қилинади, деб тахмин қилмоқдалар.

Егор ЛИГАЧЕВ: «Иш билан бандман, китоб ёзяпман»

Россия Компартиясининг ҳаракат дастури КПССнинг дастурий баёнотига зиддир, деб айтишганида, мен буни сохтакорлик деб тушунаман, деди РСФСР Компартияси таъсис съездининг делегати Е. К. Лигачев. У бундай гапларни делегатларни қўрқитишга уриниш, деб айтди. Мен делегатлар орасида бирорта ҳам қўрқоқ одамни кўрмаяпман. Уларнинг ҳаммаси тобланган, иродали, мустаҳкам кишилардир.

Менда ҳозирги съезднинг биринчи мажлиси тўғрисида ҳам, Россия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. К. Полозковнинг маърузаси тўғрисида ҳам ижобий таассурот пайдо бўлди, деб сўзида давом этди яқин вақтгача КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига аъзо бўлган Е. К. Лигачев. Россия съездининг қатнашчилари амалий ишга тез ўтишга муваффақ бўлдилар, деб таъкидлади у съезд мажлислари оралиғидаги танаффусда ТАСС мухбирлари билан суҳбатда.

Егор Кузьмич мамлакатимиз иқтисодиёти бозор муносабатларига ўтишини қандай тасаввур этаётганлигини журналистларнинг илтимосларига биноан баён қилар экан, бундай муносабатлар ҳозир мамлакатда амал қилаётганлигига ишонч билдирди. Бозор муносабатлари режали асосда товар-пул муносабатлари сифатида — мен кооперацияни назарда тутяпман — амал қила бошлаганига анча бўлди, — деб тушунтирди у. Унинг фикрича, муаммонинг моҳияти мулкчиликнинг янги шакларини қандай аниқланишига, давлат тасарруфидан чиқариш деб аталган тадбирлар қандай амалга оширилишига боғлиқ.

Бошқа масалалар ҳам муҳим, албатта, лекин мен сиёсатнинг боши давлат мулки тўғрисидаги масалада, деб ўйлайман. Мулк шакли, хўжалик юритиш шакли қандай бўлса сиёсат ҳам шундай бўлади, парламент таркиби ҳам шундай бўлади. Суҳбатдошимиз мулкни давлат тасарруфидан чиқаришга қарши эмаслигини, лекин ҳамма гап уни қандай амалга оширишда эканлигини алоҳида таъкидлади. «Агар хусусий мулкчиликка асосий эътибор қаратиладиган бўлса, унда Лигачевнинг бу хусусда тутган йўли анчадан бери маълум — мен бунга қаршиман, одамларни бўлиб, тарқатиб юборган ҳаёт тарзига яна қайтиш учун 70 йил сарфлаш беъманилик деб ҳисоблайман, деди у. Бизда ҳали социализмнинг имкониятлари бор, унда режа асосида товар-пул муносабатларини, бозор омилларини уйғунлаштириш бор, мен бунга жуда ишонаман ва ўз китобимда шулар тўғрисида ёзяпман».

Е. К. Лигачев ТАСС мухбирларининг: «Ҳозир сиз нима билан машғулсиз?», деган саволига қисқа жавоб берди: «Иш билан бандман. Китоб ёзяпман». Россия Компартияси раҳбар органларига сайланиш учун ҳаракат қилмоқчимисиз, деган саволга, у бундай деб жавоб берди: «Йўқ, нима кераги бор, мен иш билан бандман. Кайфиятим яхши».

Л. АКСЕНОВ,
Б. ЗВЕРЕВ,
А. ОРЛОВ.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

МУХОРШИБИРЬ (Бурятия АССР). Бурятиядаги Ленин номли колхознинг марказий қўрғони бўлган Никольск қишлоғида қурилиш саноати базаси ташкил қилинганидан кейин аҳоли яшайдиган янги микрорайоннинг таржиман ҳоли бошланди. 5 сентябрь куни бу ердаги колхоз заводида ғиштларнинг эллик минг донадан иборат дастлабки туркуми тайёрланди.

* * *

БОКУ. Жумҳурият пойтахтидан юз километр жанубда жойлашган Пирсағат конида катта миқдордаги нефть қатлами очилди. «Азнефть» бирлашмасининг 26 Боку комиссари номли нефть-газ қазиб олиш бошқармасининг жамоаси бу ерости хазинасидан фойдаланила бошланишига катта умид боғламоқда. Хориждаги шериклар билан давлат буюртмасидан ташқари олинган хом ашё эвазига нефть қазиб олувчи замонавий техника етказиб бериш тўғрисида музокаралар олиб борилмоқда.

* * *

ЛЕНИНГРАД. Мустақил жамоат ҳаракатлари уюштирган инсон ҳуқуқлари иккинчи халқаро конференцияси 5 сентябрь куни Нева бўйидаги шаҳарда ўз ишини тугаллади. Унинг иштирокчилари тўрт кун мобайнида одамларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари билан боғлиқ кенг доирадаги муаммоларни муҳокама қилдилар.

* * *

БРЯНСК. Яқинда ташкил қилинган СССР инженерлик академияси табиатни муҳофаза қилишга содиқлигини намойиш этди. Брянск экология институти ташкил этилиши унинг инфраструктурасини шаклантириш йўлидаги дастлабки қадамлардан бири бўлди. Халқ депутатлари Брянск вилоят Советининг ижроия комитети устав фондига дастлабки бадални тўлаб институтнинг муассисларидан бирига айланди, шунингдек унга қарийб минг квадрат метр майдонга эга бўлган бино ажратиб берди.

* * *

ДНЕПРОПЕТРОВСК. 5 сентябрь куни таъсис съездида Украина металлургларини мустақил касаба уюшмаси тасдиқланди. Бу касаба уюшмаси кўнгилли ва шартномавий асосларда жумҳурият касаба уюшмалари федерациясига ҳамда мамлакат металлургия саноати меҳнаткашлари касаба уюшмаси федерациясига киради.

САНОАТНИНГ қишлоқдаги одимлари

ЧЕВАРЛАР

Бахмал районидаги «Сангзор» совхозида одамларни иш билан таъминлаш мақсадида Жиззах устки трикотаж фабрикасининг филиали очилди. Бу ерда ҳозир 50 нафар киши ишламоқда. Янги бўлинмага Абдукарим Эсонов етакчилик қилаяпти. Бувҳожар Ўтаганова ва Мавлуда Бобоёрова бошлиқ икки бригада ўзаро мусобақалашиб ишламоқда. Бу меҳнат жамоалари кўрпа-тўшакларга оқ матодан қоплама тайёрлашаётир. Ҳар бир тикувчи кунига 40 та ўрнига 70—80 тадан маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлмоқда.

Белгиланган топшириқни ошириб бажаришда бичувчилардан Бусаида Ҳасанова, Холмомо Ўрозалиева, Олтиной Эшонқулова, тикувчилардан Анзират Нуримова, Дилором Ҳайдарова, София Сарибоева, Хонимой Жабборова, Бувиниса Турсунқулова, Каромат Усмонова, Замира Ҳидирова, Гулчеҳра Соатова, Усмоной Маматқулова, Мақсуда Холиқова, Иноят Очилова, Гулжаной Қулматова сингари ишлаб чиқариш пешқадамлари бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Тикувчилар кунига 1,5 минг донагача кўрпача қоплама тайёрлашмоқда. Улар йил охиригача бир миллион 32 мингта маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашмоқдалар.

— Бизда иш икки сменада ташкил этилган, — дейди бригадир Мавлуда Бобоёрова. — Биринчи смена эрталаб соат еттида бошланади. Ишловчилар асосан Қора, Чубор, Холтой, Ўдамали, Муллабулоқ қишлоқларидан келишади. Уларга битта автобус хизмат қиляпти. Кўп ўтмай ишчи-хизматчиларимизнинг сафи яна йигирма кишига кенгаяди. Бир қанча муаммолар ҳам бор. Қиш яқинлашмоқда. Иш жойимизга иситиш тармоғи ўрнатиш керак. Чеварларимиз учун ошхона лозим. Бу масалаларда Жиззах устки трикотаж фабрикаси, «Сангзор» совхози маъмурияти амалий ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

А. ЭРГАШЕВ.

Сиз суратда кўриб турган Насиба Мансурова — Жиззах вилояти Пахтакор райони марказидаги маиший хизмат кўрсатиш корхонасининг моҳир чеварларидан бири. У буюртмаларни тез ва соз бажариб, мижозларнинг ҳурматини қозониб келмоқда. Н. Мансурова ўз маҳоратини тинмай ошириб бориб, қийимларнинг янада бежирим ва кўркам тикилишига эришаяпти.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

ҚЎШ ОМАД

Қизилтепа ноҳиясидаги «Партия XXII съезди» жамоа хўжалигида меҳнат қилиб келаётган деҳқон Шароф Баҳриев фойдаланилган электр қуввати учун пул тўлашга омонат кассасига борди. Унга қайтимига лотерея билетлари беришди. Уларни яхши ният билан олиб, уйига қайтди.

Орадан бир неча кун ўтгач, газетада ютуқлар эълон қилинди. Билетларни солиштириб кўрган деҳқон қувониб кетди. Чунки унинг Ўзбекистон ССР пул-буюм лотереясининг 3-чиқарилиши бўйича 021554 серия 198-сонли паттасига «Жигули» енгил автомашинаси ютуғи чиқди.

Тасодифни қарангки, қўшниси Шойим Аҳмедов ҳам паттасига «Жигули» ютди. Омад кулиб боққан қўшнилари қишлоқдошлари қизғин табрикладилар.

Б. ЭГАМОВ.

НОЧОР АҲВОЛДА

Бонг урамиз

Оржоникидзе ноҳиясидаги Янги Тошкент консерва комбинатининг дастлабки ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилганига ўн икки йилдан ошган бўлса-да, бу корхона шу пайттача ўзини ўнглаб олгани йўқ. Дастлабки йилларда қурилиш ва ускуналарни ўрнатиш жараёнида йўл қўйилган камчилик ҳамда нуқсонлар, мутахассислар, ишчи-хизматчилар етишмаслиги ва бошқа кўпгина сабабларга кўра белгиланган топшириқлар бажарилмаганди. Орадан уч-тўрт йил ўтганидан кейин иш юришиб кетмади. Янги-янги муаммолар кўндаланг бўлаверди: биринчидан, комбинатда уй-ой, маданий-маиший бинолар қуришга, ишчи-хизматчиларга зарур шарт-шароитлар яратишга, уларни моддий жиҳатдан рағбатлантиришга етарли эътибор берилмаганлиги сабабли муқим меҳнат жамоаси қарор топмади. Иккинчидан, сабзавот, меванинг давлат харид нархлари колхоз бозорларидагидан анча кам бўлганлиги сабабли хўжаликлар маҳсулотларини ўзларининг дўконлари орқали сотишни афзал кўрмоқдалар. Бу эса корхонани бир маромда, етарлича хом ашё билан таъминлашга жуда катта таъсир этади. Учинчидан, шиша идиш, кўшимча хом ашёлар, эҳтиёт қисмлар ва бошқа зарур ускуналар таъминоти ёмон эканлиги иш маромини тез-тез издан чиқаради. Муаммолар занжири бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган: хом ашё етишмаганлиги ва корхона бир маромда ишламаганлиги учун консерва маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилмайди. Бу икки томонлама иқтисодий зарар келтиради. Биринчидан, фойда олиш кўрсаткичлари ғоят камайиб кетади. Иккинчидан, савдо ташкилотларига етарлича маҳсулот етказиб берилмаганлиги учун уларга жарима тўланади. Корхонанинг иқтисодиёти яхши бўлмагандан кейин ўз-ўзидан маълумки, иш ҳақи тўлаш ва ижтимоий масалаларни ҳал этишга маблағ ажратиш ночор аҳволда бўлади.

Корхонанинг кейинги икки-уч йиллик фаолиятига назар ташласак, юқорида таъкидланган муаммолар давом этиб келаётганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Оржоникидзе. Оҳангарон, Тошкент ва бошқа ноҳиялар хўжаликлари комбинатга 1987 йилда 9,469 тонна, 1988 йилда эса 7,8 минг тонна сабзавот, мева ва резаворларни шартномаларда кўрсатилганидан кам етказиб бердилар. Шунинг оқибатида корхона 1988 йили белгиланганидан 2 миллион, 1989 йилда эса 3,7 миллион сўмлик кам маҳсулот тайёрлади. 1989 йилда сабзавот ва мевани совуқ уриб кетганлиги сабабли комбинат жуда оз муддат ишлади. Хўш, 1990 йилда аҳвол қандай? Озгина ўзгариш бўлганлигини эътироф этган ҳолда асосий муаммолар сақланиб қолаётганлигини таъкидлаш зарур.

Ўн иккинчи беш йиллик якунловчи йилининг дастлабки етти ойида комбинатда 19.530 минг ўрнига 15.263 минг шартли банка маҳсулот тайёрланди. Бу белгиланган топшириқ 78,2 фоиз адо этилди, деган гап. Ночор аҳвол давом этаётганлигининг асосий сабабларидан бири хом ашё шартнома мажбуриятлари даражасида, бир маромда етказиб берилмаётганлигидир. Далилларга мурожаат этайлик. Оҳангарон ноҳияси хўжаликлари комбинатга бу йил 5.795 тонна помидор етказиб беришни ўз зиммаларига олишган. 27 августга қадар 1.448 тонна маҳсулот жўнатилганлигини қандай баҳолаш мумкин? Энг пишиқчилик даврининг — июль, август ойлари ўтиб кетди-ку! Оржоникидзе ноҳияси хўжаликлари шартномада белгиланган 205 ўрнига ҳозиргача 20 тонна шафтоли, 100 тонна ўрнига атиги 700 килограмм бодринг етказиб бериб, ўз районларидаги саноат корхонасини ночор аҳволга солиб қўйишди. Тошкент ноҳияси хўжаликлари шартномада белгиланган 514 ўрнига август ойи охиригача 239 тонна олма жўнатганликлари ҳам яхши кўрсаткич эмас. Комбинат биқинида жойлашган «Коммунист» жамоа хўжалигининг тутган йўли кишини ажаблантиради. Колхоз йил бошида корхона билан шартнома тузган бўлишига, саккиз ой ўтиб кетганига қарамай ўз зиммасига олган мажбуриятни бажаришга енгил-елпи қарамоқда. Ушбу жамоа хўжалиги корхонага бу йил 219 тонна шафтоли, ўрик, олча етказиб бериши керак эди. Саккиз ойда шундай мевалардан бирон килограмм ҳам жўнатилмади. Шу муддатда мазкур колхоз 1990 йил учун белгиланган 2.500 тонна помидорнинг 1.223 тоннасини етказиб берганлиги ҳам дуруст натижа эмас. Чунки помидор ғарқ пишган давр асосан орқада қолди.

Шу ўринда хўжаликлар комбинатга хом ашё етказиб беришдан иқтисодий жиҳатдан яхши манфаатдор эмасликларини, корхона олдида навбат кутиш оқибатида ноз-неъматларнинг маълум қисми нобуд бўлаётганлигини таъкидлаш керак. Демак комбинат ҳам ўз навбатида кўндаланг турган муаммоларни ичил ҳал этиб бориши зарур. Ҳалқимиз «Қарс икки қўлдан чиқади», деб бежиз айтмаган.

Комбинатдаги камчиликлар ҳақида фикр юритганда, биринчи навбатда ҳар бири 72 оилага мўлжалланган иккита уй, 200 кишига мўлжалланган ётоқхона биноларини барпо этиш масаласи кўп йиллардан бери пайсалга солиб келинаётганлигини айтиш зарур. Шу иморатлар қуриб, фойдаланишга топширилса, муқим меҳнат жамоасини қарор топтириш йўлида катта қадам ташланади. Шунингдек, корхонадаги ҳавони мўътадиллаштириб туриши зарур бўлган ускуналар носозлиги сабабли комбинат фойдаланишга топширилган пайтдан бери ишламайди. Бу масала бир неча марта мажлисларда кўтарилган. Лекин корхона маъмурияти уни ишга туширишга чорасини кўрмаяпти.

Яна икки долзарб масалани айтиш керак. Тунука идиш тайёрланадиган бўлинма 1985 йил фойдаланишга топширилиши зарур эди. Лекин орадан беш йил ўтиб кетган бўлса-да, ҳамон ишга туширилгани йўқ. Ҳолва ва мармалат тайёрланиши лозим бўлган цех кунжут, пиктен сингари хом ашёлар йўқлиги сабабли бир неча йиллардан бери фойдаланилмай ётибди. Ваҳоланки, уни қуришга, ускуналар ўрнатишга халқнинг қанча маблағи сарфланган! Мазкур цехни ишлатиш имкониятларини ахтариш зарур. Кунжутни жумҳуриятимизда етиштириш мумкин. Пиктен масаласини ҳам ҳал этса бўлади. Фақат бош қотириш, имконият излаш керак.

Кишини энг лол қолдирадиган жиҳати шундаки, юқорида санаб ўтилган муаммолар ҳақида етти-саккиз йилдан бери ноҳия, вилоят, ҳатто жумҳурият рўзномаларида, «Муштум» журналида, радио ва телевиденияда жуда кўп марта фикр юритиб келинмоқда. Лекин вазият деярли ўзгармаяпти, комбинатдаги ночор аҳвол давом этмоқда. «Ўзбекистон» жумҳурият бирлашмаси ниҳоят ўз қарамоғидаги ушбу корхона муаммоларини бартараф этишнинг аниқ чораларини белгилаб, улар изчил адо этилишига эришади, деб ўйлаймиз.

Х. ОМОНОВ,
С. АЛИЕВ.

ЁЗЁВОНДА ПОПОПЧИЛИК

Ёзёвонда тикувчилиқ фабрикасининг ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамасдан ҳозир бу ерда 200 нафардан знёд хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Уларнинг кучи билан ҳар куни 1.700—1.750 дона болалар ва эркаклар кўйлаги сифатли тикилиб, савдо тармоқларига жўнатилмоқда.

Яқинда фабрикада яна бир бўлинма — бичувчилик цехи ҳам ишга туширилди. Унга ёзёвонлик 30 нафар хотин-қиз қабул қилинди. Янги бўлинманинг ишга туширилиши тикувчилик цехи фаолиятини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

— Яқин кунлар ичида, — дейди фабрика директори А. Дадабоев, — ўзбек миллий ҳунармандчилигини қайта тиклаш мақсадида попопчилик цехини ташкил қиламиз. Ҳозирги пайтда ускуна ва дастгоҳларни ўрнатиш, жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

А. МАДРАҲИМОВ.

Мактуб таҳрирсиз босилмоқда

НОМУТАНОСИБЛИК

Қайта қуриш ва ошкоралик сиёсати жамият ҳаётидаги иллату қусурларни очиб ташлади. Партия ва ҳукуматимиз мамлакат халқ хўжалигини таназзулдан олиб чиқиш учун бозор иқтисодиётига ўтиш арафасида. Халқнинг ижтимоий ва маданий турмушида тубдан бурилиш ясаш энг асосий вазифа саналмоқда. Бу бежиз эмас. Қарияларни, оналик ва болаликни муҳофаза этиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бир мисол: мамлакатимизнинг шимолий ўлкаларида меҳнат қилаётган кон, энергетика ишчиларининг ойлик иш ҳақи ва нафақаларини ошириш учун қатор фармонлар чиқарилди. Уларнинг ишлаш ва яшаш шароитлари инобатга олиниб, иш ҳақлари пенсияга чиққанларидан кейин ҳам тўласинча сақланиб қоладиган бўлди. Инсон саломатлиги учун зарарли тармоқларда меҳнат қилаётганларнинг ойлик маошларига қўшимча ҳақ тўлаш қонун билан мустаҳкамланди.

Бу эса партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлигидан далолат. Кишиларнинг қайта қуришга бўлган ишончи тобора ортмоқда.

Бироқ ўзининг «шароити» билан шимолдан қолишмайдиган Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистонда бу масала ҳал этилмаётир. Меҳнат аҳлида юқоридаги имтиёз йўқлиги таажжубланарли. Ваҳоланки, 40—42 даража жазирамада меҳнат қилиш шимолда ишлашдан осон эмас. Нега энди бу афзалликлар бизда қўлланилмаётир?

Ишлаб чиқариши кимёвий ва ўрта зарарли моддалар билан боғлиқ корхоналар хотин-қизлари (эркаклари ҳам) орасида сариқ, анемия (камқонлик), гипертония, қанд диабети, ошқозон-ичак хасталиклари кенг тарқалди. Болалар ўлими бошқа жойлардагидан бир неча фоиз ортди.

Қишлоқ хўжалиги меҳнат аҳлининг эътибор ва ғамхўрликка чанқоқлигини деярли ҳар қадамда учратиш мумкин. Бу эса улар яратаётган неъматнинг кескин камайиб кетишига олиб келди.

Бугун кўпгина халқ депутатлари минтақада яшаётган фуқаролар турмушини шимолдагиларники билан тенглаштиришни қўллаб-қувватламоқдалар. Бу — ҳақли талаб. Лекин бунга ҳанузгача эришилмаётгани ачинарлидир. Ахир, қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар пенсияга чиққач, ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида нафақа олаётганликларини қандай баҳолаш мумкин?!

Ўйлаймизки, Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг навбатдаги йиғинлари мазкур жумбоқларга ечим топади. Бундай номутаносибликка барҳам берилса, адолат юзага чиқади.

Ш. НАЗАРОВ.

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИДА ЯНГИЛИКЛАР

Ҳозирги пайтда телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларида, газета ва журналларда, ҳатто онла давраси ва иш жойларида пенсиялар ҳақида қизғин баҳсмунозаралар бўлаяпти. Бу — табиий ҳол, негаки жуда кўпчиликка таллуқли, манфаатли масала. Яқингинада, яъни 1990 йил 15 майда СССР Олий Кенгаши «СССР фуқароларининг пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунни қабул қилди.

30-йилларнинг бошида. илк маротаба қарилик пенсияси жорий этилганда у фақат ишчиларга тегишли бўлган. Кейинроқ бориб хизматчилар ҳам ана шундай ҳуқуқдан фойдалана бошладилар, бироқ колхозчиларга 1965 йилдагина пенсия тайинланадиган бўлди, у ҳам жуда чекланган шартлар билан.

Биз совет ижтимоий таъминотининг ютуқлари ҳақида узоқ вақт мақтаниб юрдик, аммо қишлоқ меҳнаткашининг аянчли аҳволини пайқамай келдик, аниқроғи, пайқашни истамадик. Қора кўзойнакни олиб, ҳақиқий ҳаётга очиқ кўз билан қараганимизда ҳайратдан ёқа ушлаб қолдик. Қишлоқ аҳлини пенсия билан таъминлаш муаммоси ғоят кескин, долзарб масала бўлиб турганлигига чуқур ишонч ҳосил қилдик. 1989 йилнинг 1 августида «Пенсия таъминоти ва аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилашнинг кечиктириб бўлмайдиган чоралари тўғрисида» қонун қабул қилинди. Ана шу ҳужжатга кўра колхозчилар, ишчилар ва хизматчиларнинг пенсия таъминотидаги нотенглик ниҳоят барҳам топди. 1990 йил 15 майда қабул қилинган янги қонунда эса СССРдаги барча фуқароларнинг пенсия таъминотидаги тенглиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Жумҳуриятимизда бирйўла 700 минг нафар колхозчига берилаётган пенсия қайта ҳисоблаб чиқилди, уларнинг ҳар бирига ойига қўшимча равишда 22—24 сўмдан тўланади.

Эндиликда колхозда ишлаганлар давлат корхоналари, муассасалар ва ташкилотларда ишлаганлари билан тенг шартлар асосида пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар. Худди ишчи ва хизматчиларга ўхшаб колхозчиларга ҳам пенсияларга қўшимчалар тўланади, иш стажи тўлиқ бўлмаган тақдирда ҳам ана шундай пенсия белгиланади. Умумий касалланиш оқибатида учинчи гуруҳ ногиронлари бўлиб қолганларга ҳам пенсия бериладиган бўлди.

Ҳозирги пайтда меҳнат стажи тўлиқ бўлгани ҳолда ойига 70 сўм миқдорида қарилик пенсияси олмаётган колхозчи йўқ. Меҳнат стажи етарли бўлмаган қишлоқ аҳолиси учун тўлиқсиз пенсия жорий этилгач, кўп болали минглаб оилаларнинг моддий аҳволи бирмунча яхшиланди.

Янги қонуннинг яхши томони шундаки, имтиёзли шартларда пенсия оладиган шахслар доираси анча кенгайди, стажни ва пенсия ҳажмини ҳисоблашнинг, нафақа тўлашнинг тартиби тубдан ўзгарди.

Колхозларда, қишлоқ хўжалигининг бошқа корхоналарида бевосита маҳсулот етиштиришда банд бўлган тракторчи-машинистлар имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эришдилар. Уларга 55 ёшга тўлганда ва умумий иш стажи камида 25 йил бўлганда, (20 йили мазкур ишда ўтса) қарилик пенсияси тайинланади. Тракторчи-машинист вазифасида ишлаб келган аёллар 50 ёшга тўлсалар ҳамда иш стажи камида 20 йил бўлса (15 йили мазкур ишда ўтса), ана шундай пенсиялар олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сигирсоғар (машинада соғиш оператори) бўлиб ишлаётган, шунингдек бутун мавсум давомида ғўза парвариши ва пахта йиғим-теримида, тамаки ўстириш, уни йиғиштириш ҳамда шундан кейинги ишлов беришда банд бўлган хотин-қизларга 50 ёшга тўлсалар ва мазкур ишдаги стажлари камида 20 йил бўлса, пенсия тўланади.

Қонуннинг норма ва шартлари халқнинг, ҳар бир совет кишисининг фаровонлигини ўстириш манбаи бўлган меҳнатни тўлиқ ҳисобга олиш заруратидан келиб чиқадики, бу ҳол пенсия таъминотига бир хилда ёндашувга барҳам беради. Меҳнат пенсиясининг асосини айнан стаж ташкил этади ҳамда пенсия ҳажмини ҳисоблаш чоғида ҳал қилувчи шарт қилиб олинади.

Пенсия тайинлаш пайтида стажга колхозда аъзолик асосида, корхона, муассаса, ташкилот ёки кооператив билан шартномага биноан бажарилган ҳар қандай иш ҳисобга олинади, бунда мулкчиликнинг ҳамда хўжалик юритишнинг фойдаланилаётган барча шакллари, шунингдек, иш характери ва давомийлиги, танаффусларнинг чўзилиб кетганлиги мустасно қилинмайди.

1965 йилдан кейинги давр учун колхоздаги иш стажини ҳисоблаш пайтида, агар колхоз аъзоси жамоа хўжалигида меҳнат иштирокининг белгиланган минимумини узрсиз сабабларга кўра бажармаган бўлса, у ҳолда амалдаги давомийлик бўйича иш вақти ҳисобга олинади.

Ҳозирги мавжуд қонунчиликдан фарқ қиларок, фронтда қатнашилган муддат стажга уч баравар қилиб қўшилади, Улуғ Ватан уруши йилларида армиядаги хизматнинг ўзи эса икки баравар ҳажмда ҳисобланади. Шунингдек, Улуғ Ватан уруши йилларида ишчи, хизматчи ёки колхозчи сифатида ишлаган бўлса, икки баравар ҳажмда ёзилади.

Қарилик пенсияси тайинлаш чоғида олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, аспирантура, докторантура ва клиник ординатурада ўқилган вақт бирон-бир шартларсиз стажга киритилади.

Аёллар бола тарбияси (3 ёшга тўлгунча) сабабли ишламаган бўлишса, икки ёки ундан ортиқ фарзандни тарбиялашган тақдирда умумий ҳисобда 6 йилгача иш стажига қўшилади. Ана шу давр ҳисобга олинган ҳолда кўп болали оналарга ҳамда болаликдан ногирон оналарга қарилик пенсияси 50 ёшга тўлганда ҳамда иш стажи камида 20 йил бўлганда тайинланади. Болаларга қараш учун кўрсатилган муддат иш стажига киритилмаган тақдирда стаж камида 15 йил бўлганда пенсия белгиланади.

Пенсия белгилаш пайтида стажга якка тартибдаги меҳнат фаолияти, жумладан СССР пенсия фондига суғурта бадаллари тўлаб турилган бўлса, ижара ёки шахсий деҳқон хўжалигида ишланган муддат ҳам киритилади.

Янги қонунга кўра қарилик пенсияси меҳнат стажи ва иш ҳақига боғлиқ бўлади. Стажа эркакларда 25 йил, аёлларда 20 йил бўлса, иш ҳақининг 55 фоизи миқдорида пенсия белгиланади. Шундан ортиқ ҳар бир тўлиқ меҳнат йили учун пенсияга иш ҳақининг бир фоизи миқдорида қўшила боради. Масалан, аёл колхозда 1960—1989 йиллар мобайнида ишлаган, яъни стажи 30 йил, ўртача ойлик иш ҳақи 190 сўм бўлса, пенсия 123 сўм 50 тийин (190 сўм Х 65 фоиз) ҳажмида белгиланади.

Қарилик пенсиясининг минимал миқдори минимал иш ҳақининг юз фоизи, максимал миқдори эса иш ҳақининг кўпи билан 75 фоизи ҳажмида бўлиши керак.

Пенсия белгилашда иш ҳақи ҳам янги қоидалар асосида ҳисоблаб чиқилади.

Ўртача ойлик иш ҳақи пенсияга чиқиш учун мурожаат этилган пайтдан аввалги ўн беш иш йилидан ҳар қандай сурункали беш йил (пенсияга мурожаат этувчининг ихтиёрига кўра) олинади ҳамда 60 календарь ойлик иш ҳақининг умумий миқдори 60 га тақсимланади.

Агар пенсия олиш учун мурожаат этган шахс беш йилдан кам ишлаган бўлса, у ҳолда бутун иш вақтидаги иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади, яъни тегишли давр учун умумий иш ҳақи ойлар сонига бўлинади. Колхоз аъзосига пенсия белгилашда унинг жамоат хўжалигида бажарган ҳамма турдаги ишларига тўланган ҳақ қўшилади. Агар ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоблаб чиқарилган даврнинг бир қисми колхоз аъзоси сифатидаги ишларга, қолган қисми бошқа ишларга тўғри келса, унда колхоз аъзолари ҳамда бошқа хил шахслар учун тегишли равишда белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ ҳар бир давр учун ҳисобга олинади.

Янги қонуннинг устунлиги шундан иборатки, пенсия стаж тўлиқ бўлмаган тақдирда бирон-бир шартларсиз, мавжуд стажга мутаносиб равишда, бироқ ижтимоий пенсиядан кам бўлмаган миқдорда тайинланади.

Боқувчисиз қолган оилаларнинг моддий аҳволини яхшилашга қаратилган йўл давом эттирилган. Онла боқувчисидан маҳрум бўлиб қолган тақдирда меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзо учун боқувчи иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида тайинланади, аммо у меҳнатга лаёқатсиз шахсларнинг тегишли тоифаси учун белгиланган ижтимоий пенсиядан кам бўлмаслиги керак.

Бутунлай етимлар ёки вафот этган ёлғиз онанинг болаларига пенсия ҳар бир бола ҳисобига ижтимоий пенсиянинг икки баравар ҳажмидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

Боқувчисини йўқотганлиги сабабли пенсиялар тўлаш муддатлари ҳунар-техника билим юрти, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида таълим олаётганлар учун ўқиш тугагунга қадар узайтирилади, бироқ бу қоида улар 23 ёшга тўлгунларича амал қилади. Илгари эса болалар 18 ёшга тўлганларидан кейин пенсия тўхтатилар эди.

Яқинда СССР Вазирлар Кенгашининг қарори билан болали оилаларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга қаратилган қўшимча тадбирлар белгиландики, бу ҳам мамлакат аҳолиси кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатининг давомидир. Масалан, 1991 йил 1 январдан болаларга бериладиган янги нафақалар жорий этиш кўзда тутилмоқда. Ёлғиз оналарга тўланадиган ўртача ойлик нафақа 20 сўмдан 35 сўмгача кўпайтирилади.

1990 йил 1 декабрдан туғилган чақалоқ учун бирйўла тўланадиган нафақа минимал иш ҳақининг уч баравар миқдорида, яъни 210 сўм бўлади.

Даромади ҳар бир киши ҳисобига икки минимал иш ҳақи (140 сўм)дан ошмайдиган оилаларга болалар 1,5 ёшдан 6 ёшга тўлгунга қадар минимал иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида ойлик нафақа тўлаш белгилаб қўйилди.

Қонунга мувофиқ ногиронларнинг пенсия таъминоти бирмунча яхшиланади. Ногирон колхозчиларга пенсиялар қуйидаги миқдорда тўланади: I ва II гуруҳ ногиронларга иш ҳақининг 55 фоизи, учинчи гуруҳ ногиронларга эса 30 фоизи.

Уруш ногиронлари ҳамда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади. Бу тоифадаги шахсларга пенсиялар тайинлаш шартлари ва тартиби шу йил 1 октябрдан кучга кирадиган ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунда белгилаб қўйилган. I ва II гуруҳ уруш ногиронларига пенсиялар иш ҳақининг 75 фоизи, III гуруҳ ногиронларига эса 50 фоизи миқдорида тўланади.

Пенсияларнинг минимал ҳажми I ва II гуруҳ уруш ногиронларига қарилик пенсияси минимал ҳажмининг 150 фоизи, III гуруҳ ногиронларига эса 75 фоизи миқдорида белгиланади.

Бундан ташқари тегишли қўшимчалар ҳам кўзда тутилмоқда. Ўз қарамоғида меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари бўлган ишламайдиган I ва II гуруҳ ногиронларга ҳар бир киши учун ижтимоий пенсия миқдорида, I гуруҳ уруш ногиронлари ҳамда четдан ёрдамга муҳтож II гуруҳ ёлғиз уруш ногиронларига уларга қараш учун минимал қарилик пенсиясининг 100 фоизи миқдорида қўшимча нафақа тўлаш белгилаб қўйилди.

Қарилик пенсиясига чиқиш ҳуқуқига эга бўлган уруш ногиронларига мазкур пенсия қўшимча равишда ногиронлик пенсиясининг минимал миқдори ҳажмида, яъни I ва II гуруҳ ногиронларга ойига 105 сўм, III гуруҳ ногиронларига эса 52 сўм 50 тийин тўланади.

Ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи оиласининг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзоси учун бериладиган пенсия миқдори боқувчи иш ҳақининг 40 фоизини ташкил этади. Меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир киши пенсиясининг минимал ҳажми қарилик пенсияси минимал миқдорининг 100 фоизига, боқувчида ҳарбий унвон бўлган тақдирда 110 фоизига тенг бўлади.

Бундан ташқари ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва хотинларига бериладиган пенсия қарилик пенсияси минимал ҳажмининг 15 фоизи миқдорида, яъни 10 сўм 50 тийин оширилади.

Пенсиялар тўғрисидаги қонунда биринчи маротаба фуқароларнинг қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда ёки боқувчиси вафот этганда бирон-бир шартларсиз пенсия таъминотига эга бўлишдан иборат конституцион ҳуқуқи тўла рўёбга чиқарилади. Бунда меҳнат стажига эга бўлмаганларга ижтимоий пенсиялар тайинлаш кўзда тутилмоқда. Болаликдан ногиронлар ҳам шу тоифага киритилдилар.

Ижтимоий пенсия миқдори бир қатор омилларга, жумладан меҳнат қобилиятини йўқотиш даражасига боғлиқ. Масалан, I гуруҳ ногиронларига, I ва II гуруҳ болаликдан ногиронларга, 16 ёшгача бўлган ногирон болаларга ижтимоий пенсиялар 1991 йил 1 январдан қарилик бўйича минимал пенсиянинг 100 фоизи, II гуруҳ ногиронларига, 65 ёшга тўлган эркаклар, 60 ёшга тўлган аёлларга, шунингдек, боқувчисидан айрилган болаларга қарилик бўйича пенсиялар минимал ҳажмининг 50 фоизи, III гуруҳ ногиронларига 30 фоизи, қаҳрамон оналарга камида 100 фоизи миқдорида тўланади.

Ижтимоий пенсиялар давлат томонидан бериладиган кафолатли минимал пул ёрдамидир.

Хўжалик мустақиллиги ва иқтисодий беқарамликнинг кенгайиши колхозлар, совхозлар ҳамда қишлоқ хўжалиги бошқа корхоналарига ўз ходимлари пенсияларига қўшимча тўлаш, шахсий ва муддатидан олдин пенсиялар белгилаш, тиббий хизмат кўрсатишда, турар жой-коммунал хизматларига ҳақ тўлашда турли имтиёзлар бериш имкониятини яратмоқда.

Ҳозирги пайтда жумҳуриятимиздаги 924 та колхоздан 838 тасида кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз кишиларни ички ҳисобдан нафақа билан таъминлаш йўлга қўйилган, 941 та совхоздан 288 тасида пенсияларга қўшимча тўланаяпти.

Бу соҳада жуда кўп ижобий мисоллар бор.

Пенсия таъминоти тўғрисидаги янги қонун 1990 йилнинг 1 октябридан бошлаб 1993 йилнинг 1 июлига қадар босқичма-босқич кучга киритилади. Бу бажариладиган ишларнинг жуда катта кўламлари, қонунни амалга ошириш учун катта миқдорда маблағ ажратиш зарурати билан боғлиқ.

Пенсияларни пишиқ-пухта ва ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқиш учун стаж, иш ҳақи, армиядаги хизмат, оилавий аҳвол ва ҳоказолар тўғрисида қўшимча ҳужжатлар тўплаш юзасидан тайёргарлик ишларини олиб бориш мўлжалланмоқда. Табиийки, ишнинг асосий ҳажми ижтимоий таъминот органлари зиммасига тушади.

Шу билан бир қаторда бу соҳада корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, касаба уюшмаси органлари, ҳарбий комиссарликлар, халқ депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари, уй бошқармалари, турар жойдан фойдаланиш идоралари, маҳалла комитетлари, архив муассасалари ҳам иложи борича яқиндан ёрдам кўрсатишлари лозим.

Колхоз раҳбарларининг вазифаси колхозчиларнинг ҳужжатларини ўз вақтида расмийлаштириш ҳамда уларни пенсия тайинлаш ёки қайта ҳисоблаш учун ижтимоий таъминот бўлимларига тақдим этишдан иборат.

Қишлоқ меҳнаткашларининг пенсия таъминоти аҳволи давлат архивларида ҳамда колхозларнинг ўз архивларида сақланаётган ҳужжатларга боғлиқ. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети барча колхоз аъзоларини меҳнат дафтарчалари билан таъминлаш ҳозирги кунда ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, колхозлар, совхозлар, қишлоқ хўжалиги бошқа корхоналари ва ташкилотларининг уруш ҳамда меҳнат мўйсафидлари моддий таъминотини ошириш учун қўшимча маблағлар ажратиш, уруш ногиронлари ва қатнашчилари, ҳалок бўлган жангчиларнинг оилалари ҳақида ғамхўрликни кучайтиришдаги иштирокларини фаоллаштириш зарур.

С. ХУЖАЕВА,
Ўзбекистон ССР ижтимоий таъминот вазири.

Вазир минбари

ҲАМ ДОН, ҲАМ ТОМОША

Россия Олий Советининг сессияси ўтаётган бинога кираверишда одамлар ҳамиша гавжум бўлади. Мактабда дин илмини ўқитишни ҳам, ҳукуматнинг истеъфо беришини ҳам талаб қилувчи, ҳам ҳукуматни қўллаб-қувватловчи қўлда ёзилган даъватлар ва шиорлар одат тусига кириб қолди. Буғдой бошоқларини эса бу ерга биринчи марта олиб келишди.

5 сентябрь куни РСФСР Советлар уйи даҳлизида депутатларни ғайриоддий киши кутиб олди. Оппоқ соқолли, кўринишидан ғаллакорга ўхшаган, Иванов фамилияли рус киши пойтахтга ўз ташаббуси билан Тула вилоятидан келган, Василий Иванович парламент аъзоларини ҳайратга солиши мумкин: унинг гапларига қараганда, Ноқоратупроқ ерларда мислсиз мўл ҳосил берадигай дон етиштириш технологиясини ишлаб чиққан. Залворли бошоқлар ҳам шуни кўрсатиб турибди. Битта дондан сершох бўлиб ўсган бир «туп» бугдой 300 грамм дон беради, ундан 1 буханка нон тайёрлаш мумкин.

Сўнгги икки кун ичида энг ўткир муаммога айланган ўша камчил бўлиб қолган нонни пишириш мумкин. РСФСР дон маҳсулотлари министри лавозимига номзодларни муҳокама қилиш чоғида шу муаммо ҳақида гап борди. Министр лавозимига даъвогарлик қилаётган Л. С. Чешинский ҳозир ана шу тармоқ министрининг ўринбосари Г. В. Кулик сўзлаб берди. Масалан, яқинда Москвадаги Хорошевский райони халқ депутатлари Советининг қарори билан энг катта ва мамлакатдаги энг замонавий нон заводини ишга туширишга тўхтатиб қўйилди. Бунинг учун заводдан атрофга... нон ҳиди тарқалиши асос қилиб кўрсатилди. Мана бошқа бир воқеа: пойтахтда 34 та кичик новвойхоналар қуришга қарор қилинган, ҳозир бутун дунё ана шундай йўлдан бормоқда. Лекин маъмурлар шу кунгача фақат иккита новвойхона қуриш учун майдон ажратиб беришди. Министр «нон муаммосини» ҳал этиш учун мумкин бўлган барча чоралар кўрилади, пойтахтда вазият кўзда тутилмади? Бунга ким айбдор? Тармоқнинг қийинчиликлари оз эмас. Лекин бошқача муаммолар ҳам бор. Улар ҳақида РСФСР қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат министри, Россия Министрлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Г. В. Кулик сўзлаб берди. Масалан, яқинда Москвадаги Хорошевский райони халқ депутатлари Советининг қарори билан энг катта ва мамлакатдаги энг замонавий нон заводини ишга туширишга тўхтатиб қўйилди. Бунинг учун заводдан атрофга... нон ҳиди тарқалиши асос қилиб кўрсатилди. Мана бошқа бир воқеа: пойтахтда 34 та кичик новвойхоналар қуриш қарор қилинган, ҳозир бутун дунё ана шундай йўлдан бормоқда. Лекин маъмурлар шу кунгача фақат иккита новвойхона қуриш учун майдон ажратиб беришди. Министр «нон муаммосини» ҳал этиш учун мумкин бўлган барча чоралар кўрилади, пойтахтдаги новвойхоналар шошилинч равишда кадрлар билан тўлдирилади, деб ишонтирди. Ҳолбуки, барча даражадаги депутатлар қабул қилинаётган қарорлар оқибатларини ҳисобга олишларини кутиш ўринли бўлур эди.

Айтмоқчи, бу залда В. Ивановни яна учратдик. У «Менга сўз беринглар...» деб президиумга хат ёзаётган эди.

Иккинчи залда Россия маданият министри лавозимига даъвогар эса минбарга чиқишдан воз кечди. СССР халқ артисти Ю. М. Соломин микрофонсиз гапириб ўрганиб қолган. У яна бир муҳим муаммо — маданиятни қайта тиклаш тўғрисида гапирди. Бошқа нарсалар бўлмаса ҳам томошалар россияликларнинг меҳнатсиз теккан. Лекин қандай томошалар? Ташкилотчиларига ва эгаларига катта даромад келтираётган шоу программалар, гала концертлар, шубҳали фильмлар кўрсатилаётган видеосалонлар меҳнатсиз теккан. Айни пайтда чинакам санъат четда қолиб кетмоқда. Концерт заллари етишмайди, маданият ходимларининг маоши кам, истеъдодли ёшлар мамлакатдан чиқиб кетмоқда. Бундай аҳволга тоқат қилиб бўлмайди. Бинобарин, бундай аҳволни мумкин қадар тезроқ ўзгартириш зарур. Министр лавозимига даъвогарнинг фикрича, ишни вазият ночор аҳволга тушиб қолган олис жойлардан бошлаш керак.

Шу куни депутатлар РСФСР ички ишлар министри лавозимига номзод В. П. Баранников ва Россия транспорт министри лавозимига номзод В. Б. Ефимов билан учрашдилар.

Сессия ўз ишини комиссиялар ва комитетларда давом эттирмоқда.

Т. ИВАНОВА,
Ю. СОЛТИС,
ТАССнинг парламентдаги мухбирлари.

ПАРТИЯЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Москва шаҳар Советида рўйхатга олинган сиёсий ташкилотлар орасида Россия демократик партиясининг, Россия христиан-демократик иттифоқининг пойтахт ташкилотлари, Россия «Демократик ҳаракат дастури» партияси ташкилий комитети бор.

— Булар рўйхатга олиш натижасида пойтахтда расмий мақомга эга бўлган дастлабки партиялардир, — деди Москва шаҳар Совети ҳузуридаги жамоат бирлашмалари идораларо комиссияси масъул котиби Л. Абаюшкин. — Бу тадбирни амалга ошириш чоғида биз Конституциядаги модданинг янги таҳриригагина эмас, СССР Министрлар Кенгашининг шаҳар ҳудудида турли иттифоқ ва жумҳурият тузилмаларини, шунингдек халқаро ташкилотларни тузиш масалаларини Москва шаҳар Советининг ижроия комитети билан келишиб олишни кўзда тутадиган 1982 йилдаги 816-рақамли ҳарорига ҳам амал қилмоқдамиз. Бундан ҳам олдин қабул қилинган бошқа ҳужжатларни эслатиб ўтирмайман, чунки жамоат бирлашмалари тўғрисида СССР қонуни биринчи муҳокамада қабул қилинган пайтдан бошлаб бу ҳужжатларнинг амал қилиши тўхтатиб қўйилган. Биз амалга ошираётган ишлар жамоат ташкилотларига маҳаллий ҳокимият, мазкур ҳолда эса Москва шаҳар Совети билан очиқ муносабатда бўлишга имконият яратади. Бу эса ўз навбатида уларга ҳуқуқий шахс мақомини олиш, банкда ўз счётини очиш, зарур буюмларни, муҳр, иш қоғозлари, штамплар ва шу кабиларни сотиб олиш имконини беради.

Бизга жуда кўп ариза тушган. Жумладан, кадетларнинг иккита партияси рўйхатдан ўтмоқчи бўлаяпти. Улардан бири ўз фаолиятини энди бошлайди. Иккинчиси эса 1917 йилда ўзининг олтинчи съездини ўтказган ўша машҳур конституцион-демократик партиянинг вориси, деб ҳисобламоқда. «Ворислар» бу партияни ҳеч ким тарқатиб юбормаган, деб ҳисоблашмоқдалар ва партиянинг олдинги конституцион-демократлар партияси қабул қилган устави тан олинишини талаб қилмоқдалар. Ҳамда навбатдаги еттинчи съездни ўтказишга тайёрланмоқдалар.

ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг XIV съездини ўтказиш тартиби тўғрисидаги, съезднинг дастурий ҳужжатлари ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият кенгашининг съездлар ўртасидаги даврда амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобот, касаба уюшмалари жумҳурият кенгашининг фаолияти ва ҳозирги шароитда Ўзбекистон касаба уюшмаларини янгилаш йўллари тўғрисидаги маъруза тасдиқланди.

Пленумда Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият кенгашининг раиси Б. А. Алламуродов нутқ сўзлади.

Мутахассисларни ўзимиз тайёрлаймиз

Қашқадарё вилоятидаги 75 нафар йигит ва қиз Тошкент политехника институтининг Қаршида ташкил қилинган филиалида ўқий бошлади. Талабалар бу ерда электротехника, нефть ва газ қудуқлари қазиш ва уларни жиҳозлаш инженерлари мутахассисликларини эгаллайдилар. Янги ўқув йилидан бошлабоқ, бу ерда нефть-газ саноати учун инженер-технологлар, механиклар, иқтисодчилар тайёрланадиган янги бўлимлар очилади.

Янги ўқув корпуслари ва лабораториялар қурилиши учун шаҳарда 20 гектар ер ажратилган. Энг мушкул муаммоларни ҳал этишда «Шўртонгаз» газ қазиб олиш бошқармаси ва «Нефтегазразведка» бирлашмаси ёрдам беради.

(ЎзТАГ).

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

СОВЕТ-ЯПОН МУЗОКАРАЛАРИ

ТОКИО. (ТАСС мухбирлари Александр Копнов, Владимир Кучко, Георгий Шмелев). Япония ташқи ишлар министрлигининг қабулхонасида бу ерга расмий ташриф буюрган СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе билан Япония ташқи ишлар министри Т. Накаяма ўртасидаги музокараларнинг биринчи даврасі бўлди.

Эрталабки учрашув бутунлай халқаро аҳволнинг долзарб масалаларига бағишланди. Томонлар Ироқнинг Қувайтга қарши қуролли босқинчилиги натижасида Форс кўрфази атрофида юзага келган кескин вазиятни муҳокама қилишга энг кўп эътибор бердилар. СССР ва АҚШ президентларининг 9 сентябрь куни Хельсинкида бўладиган учрашуви юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Дипломатик манбаларнинг хабарларига қараганда, Совет томонининг ташаббуси билан бу музокараларда Осиё—Тинч океан минтақасидаги ҳарбий-сиёсий муаммоларни кўриб чиқишга биринчи марта кўп вақт ажратилади. Жумладан, министрлар БМТ хавфсизлик кенгашининг бешта доимий аъзоси ўртасида эришилган сўнгги ҳаҳдашувлар асосида Камбоджа муаммосини бартараф этиш масалалари юзасидан ўз нуқтаи назарларини баён этмоқчилар. Томонлар КХДР ва Жанубий Корея ҳукуматлари бошлиқлари ўртасида урушдан кейинги йилларда Сеул шаҳрида биринчи учрашув бошланганлиги муносабати билан Корея ярим оролидаги аҳволга ҳам кўпроқ эътибор бериш ниятидадирлар.

СЎНГГИ СОАТДА

ҚОҲИРА. Ироқ маъмурлари шу мамлакат иқтисодиётининг давлат шўъбасидаги корхоналарда банд бўлган юз мингдан ортиқ Миср ишчи мамлакатдан чиқиб кетишига рухсат бермадилар, деб хабар қилди «Ал-Вафд» рўзномаси. Рўзнома Миср араб жумҳурияти ишчи кучлари ишлари билан шуғулланувчи министрлигининг маълумотномасига таяниб ёзишича, Ироқда 1 миллион 350 минг мисрлик ишлямоқда.

«Ал-Вафд» рўзномаси Ироқ маъмурлари шу мамлакатда ишлаётган мисрликларнинг 200 миллион доллар пулини Миср банкларига ўтказишдан бош тортганлиги тўғрисида ҳам хабар қилди.

●

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон билан Покистон Кашмирда «чала уруш» олиб бораяпти, деди Ҳиндистон ички ишлар давлат вазири Субодх Кант Сахай. Ў штатлар кенгашида — жумҳурият қонун чиқарувчи олий идорасининг юқори палатасида сўзга чиқиб, Жамму ва Кашмир штатида экстремистларнинг давом этаётган қуруқлари оқибатида ташвишли вазият сақланиб қолаётганини уқтирди. Экстремистлар асосан Кашмир водийсига Покистондан ташланган жангарилардан иборат.

Вазир ўз сўзларини тасдиқлаш учун қўйидаги маълумотларни келтирди: кейинги бир неча ой ичида Жамму ва Кашмирда 733 марта портлаш рўй берди, террорчилар тинч аҳолига, полициячилар ва ҳарбий хизматчиларга 936 марта ҳужум қилдилар; натижада террорчилар 420 кишини, хавфсизлик кучлари 339 кишини ўлдирдилар.

Штатлар кенгаши Жамму ва Кашмирда президент бошқаруви муддатини узайтириш тўғрисида ҳукумат тақдим этган қонун лойиҳасини маъқуллади, шунингдек штатнинг энг хавфли районларида хавфсизлик кучлари фавқулодда ваколатга эга бўлишлари учун овоз берди.

●

ДАККА. Бу ерда кечаги умуммиллий иш ташлаш вақтида 52 киши қамоққа олинди, деб хабар берди бугун «Бангладеш обсервер» рўзномаси. Мамлакатдаги турмушни саккиз соат давомида фалаж қилиб қўйган иш ташлаш, бундай вақтларда кучли мушак портлашлари, оммавий митинглар ва намойишлар, иш ташлаган кишилар қўйган қўриқчиларнинг полиция билан айрим тўқнашувларини ҳисобга олмаганда, асосан тинч ўтди. Шаҳарда иккита автомобиль ёқиб юборилди, полициячиларнинг битта автобуси шикастланди, баъзи ҳукумат муассасалари бинолаларининг деразалари уриб синдирилди, жароҳатланганлар бор.

Иш ташлаш Саудия Арабистонини Ироқнинг эҳтимол тутилган босқинчилигидан ҳимоя қилиш учун бу мамлакатга Бангладеш қўшинларининг бир қисмини «рамзий» маънода жўнатишга қарши норозилик белгиси остида ўтди. Айни вақтда ушбу тадбир ташкилотчилари — сўл демократик оппозициячи уюшма ва беш партияли сўл уюшма президент Х. М. Эршод ҳукумати истеъфога чиқишини ва парламентга муддатидан илгари демократик сайлов ўтказилишини талаб қилдилар. Оппозиция қўшинларни юбориш тўғрисидаги қарорнигина эмас, айни вақтда Америка кучларининг танглик рўй берган районда ҳозиру нозир турганликларини ҳам қоралади. У можаро БМТ раҳнамолигида бирор хорижий мамлакатнинг аралашувисиз, тинч музокаралар йўли билан тугатилиши мумкин ва лозим, деб ҳисоблайди.

●

ВАШИНГТОН. АҚШ армияси ҒФРга шошилинч тарзда мурожаат этиб, ундан заҳарловчи кимёвий моддаларни аниқлайдиган асбоблар билан жиҳозланган разведкачи ҳарбий машиналардан 10 тасини беришни илтимос қилди. «Дифенс ньюс» газетасининг Пентагон вакилларининг айтганларига таяниб ёзишига қараганда, бу кимёвий разведкачи ҳарбий машиналар ҳозирнинг ўзидаёқ Саудия Арабистонига қараб йўлга тушган.

●

СОФИЯ. «Болгария яширин марказий инқилоб комитети» деб аталган номаълум ташкилот БСП қарорғоҳига ўт қўйилганлик учун масъулиятни ўз зиммасига олди, деб хабар қилди БТА ахборот агентлиги. Демократик кучлар оппозициячи уюшмасининг вакили Михаил Неделчевнинг журналистлар билан учрашувида шу нарса маълум бўлди.

●

ИСЛОМОБОД. Карочи шаҳрининг террорчиликка қарши кураш махсус суди совет йўловчилари тушган ТУ-154 самолётини олиб қочган кишиларнинг қамоқда бўлиш муддатини 23 сентябргача узайтиришга қарор қилди, деб хабар беради «Доон» газетаси. Суд ўзининг бу қарорини Покистон тергов федерал агентлиги улар иши юзасидан олиб бораётган терговни тугатиш зарурлиги билан изоҳлади. Жиноятчиларни совет маъмурларига топшириш тўғрисидаги масалани Покистон ҳукумати кейинроқ ҳал этади.

●

ПАРИЖ. Бу ерда, Елисей саройида Франция президенти Франсуа Миттеран билан Иордания қироли Ҳусайн ўртасида бўлган учрашув Форс кўрфазидаги тангликни бартараф этиш имкониятларини қидиришга бағишланган эди. Франция президентининг расмий вакили суҳбат тугаганидан сўнг хабар қилишига қараганда, Ф. Миттеран араб дунёси ўз кучи билан муаммони ҳал этиш йўлларини топишга қодир эмаслигидан афсусланганлигини билдирган. «Араблар ўзларининг муштарак йўлларини ишлаб чиқишса, Франция бундан фақат хурсанд бўлади», — деди президент учрашувда.

●

ПХЕНЬЯН. КХДР маъмурий кенгашининг бошлиғи Ен Хен Мук ва делегациянинг бошқа аъзолари бугун Пханмунжомдаги ҳарбий чегара чизиғидан ўтдилар ва Жанубий Корея тупроғига қадам қўйдилар. Улар бугун тарихда биринчи марта очилаётган КХДР ва Жанубий Корея бош министрларининг музокараларида қатнашиш учун Сеулга боришмоқда.

Пханмунжомда КХДР ватанни тинч йўл билан бирлаштириш комитетининг бош котиби Ан Бен Су делегация номидан баёнотда ватандошларга қизғин салом йўллади. Айни вақтда ҳарбий-сиёсий ва бошқа масалаларни муфассал муҳокама қилишга, ватанни бирлаштириш йўлини тозалашга азму қарор берилганлиги айтилди.

(ТАСС).

МАДАНИЙ ҲАЁТ

«НАВБАҲОР» ПОЛЬШАГА БОРАДИ

Урганч районидаги Калинин номли колхознинг «Навбаҳор» ашула ва рақс халқ ансамбли шу йилнинг сентябрида Польшада, Зелена Гура шаҳрида ўтадиган фольклор жамоалари халқаро фестивалида Ўзбекистон номидан қатнашиш ҳуқуқини олди. Бу ҳаваскор артистларнинг хорижга биринчи марта чиқишлари эмас. Улар Венгрияда, Югославияда концертлар беришган.

Жумҳурият хизмат кўрсатган маданият ходими Рўзмат Бекчонов раҳбарлик қилаётган «Навбаҳор» ансамбли маҳаллий ёшларни ўзига жалб этувчи марказгина эмас, айни вақтда миллий санъатнинг моҳир ташвиқотчиси ҳамдир. Ансамблнинг композициялари ва мусиқа асарларида йўқолиб бораётган анъаналаримиз, унутилган тароналар ва расм-русумлар қайтадан жонланади. Жамоа Польша сафарига Хоразм халқ қўшиқлари ва рақслари асосида янги программа тайёрлади.

АКС САДО

«Истиқбол тўғрисида жиддий ўйлар» — «Андижонфильм» студиясида яратилган лентага шундай ном берилди. Студия вилоят касаба уюшмаси кенгашининг маданият уйи ҳузурида ташкил этилди. Асар муаллифлари ёшларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ бир қанча муҳим муаммоларни кўтарганлар. Диққатга сазовор жойи шундаки, фильм Андижонда кўрсатилгандан сўнг корхоналарда янги иш ўринларини вужудга келтириш юзасидан бир қатор тадбирлар кўрилди.

Маданият уйининг бу студияси ҳали ёш. Студия қатнашчиларини жонажон шаҳарнинг турли муаммолари қизиқтиради. У асосан хўжаликлар ва корхоналарнинг буюртмасига кўра фильм яратади. Айни вақтда бошловчи суратчашлар ва кино ҳаваскорларига ёрдам беради, сценарий ёзишда, плёнкаларни ишлаш ва уларни монтаж қилишда, фильмларга овоз беришда кўмаклашади.

БАСТАКОР МУВАФФАҚИЯТИ

Тошкентлик бастакор Валерий Сапаров «Духовой оркестр учун дивертисмент» асарини Францияга, халқаро конкурсга юборган эди. Асар кўрикнинг якунловчи қисмида муваффақият билан ижро этилди. Кўрикка дунёнинг барча томонидан композиторлар 230 та асар юборган эдилар, унинг якунловчи қисмига эса атиги 11 та мусиқа асари киритилди. Тошкентлик маэстронинг асари Франция, АҚШ, Нидерландия, Югославия ва Хитой бастакорларининг асарлари қатори битта концертда янгради.

Валерий Сапаровнинг номи жумҳуриятимиз мусиқа ихлосмандларига яхши таниш. У Улуғ Ватан урушига бағишланган «Ғалаба саҳифалари» симфонияси, оркестр билан фагот ва флейтада ижро этиш учун ёзилган концертларининг муаллифидир. В. Сапаров Эдор Азимов раҳбарлигидаги камер оркестр билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бастакор у билан бирга ўзининг жаз альбомини магнит лентасига туширди. Бундан ташқари В. Сапаров болалар учун «Пахтаой» операсини ёзди, у жумҳурият қўғирчоқ театрида муваффақият билан ўйналмоқда.

— Ҳозир мен янги опера устида ишлаяпман, — дейди В. Сапаров. — Бу асар Навоий номли театрда қўйилади. Операнинг дастлабки номи «Туташ қалблар» бўлиб, у О. Генри ҳикоялари руҳи билан йўғрилган.

ИНСОН, АХЛОҚ, ИМОН

ОЧИЛМАЙ СЎЛГАН ГУНЧАЛАР

Ватан тушунчасининг нақадар кенглиги хусусида сўзлаб газетхонни лол қолдирмоқчи эмасмиз. Бироқ биз ҳикоя қилаётган қаҳрамонлар дунёсидан ана шу покиза туйғу қай даражада жой олганлигига эътибор бергач айнан шу «кенглиққа» ҳам тўхталишни лозим топдик.

Ватан пойдевори ҳисобланган она-хонадонда инсон йўргакдан туради, тетапоя қилади. Илк бор мўъжизавий Она сўзини ҳижжалаб, чеҳрага шодлик, қалбга эзгулик бахш этади. Дақиқалар ўтади. Фарзанд остона ҳатлаб, дунё юзини кўради. Ана шу лаҳзадан бошлаб эса у олтин остона ортидаги муқаддас ОНА-ВАТАНни ҳис қилади. Унга қиёс изларди. Қайга бормасин талпиниш ҳисси билан кун кечиради. Биз ана шу ҳиссиётларнинг оғир юкини орқалаган, аниқроғи, ундан вақтинча маҳрум бўлганлар оламига назар ташлаб, уларнинг ўй кечинмаси, дарди, муаммоларига баҳоли қудрат муносабат билдирмоқчимиз.

Фарғона вилоятидаги 47-махсус ҳунар-техника билим юрти жумҳуриятимиздаги ягона даргоҳ. Бу ерда 14—17 ёшдаги ўсмирлар яшаб, билим, касб-кор эгаллашади. Умумий рўйхатда 92 нафар тарбияланувчи қайд этилган. Яшаётгани, ўқиб меҳнат қилаётгани атиги 41 нафар. Хўш, қолганлари қаерда?

Аниқланишича, 17 нафар тарбияланувчи устидан жиноий иш қўзғатилиб, улар тақдири терговчилар қўлида экан. Икки ўсмир бетоб, 5 тарбияланувчи яхши хулқатвори учун таътилга—уйларига юборилган. Қолганлари эса билим юртидан қочган, ички ишлар ходимлари томонидан қидирилмоқда.

— Ушбу муассаса 1956 йил сентябрь ойида ташкил топган, — дейди катта тарбиячи Андрей Яшин. —1964 йилгача болаларни тарбиялловчи колония деб юритилган. Кейин махсус билим юртига айлантирилди. Бу ерда чилангарлик, пайвандчилик ва қадоқловчилик касблари ўргатилади.

Бир қаришда ҳамма нарса жойидадек. Фақат тақдирлар турлича. Кимдир ўғирликка, яна бирови қотилликка қўл урган. Қаришлари, сўлғин нигоҳларида ғубор бор.

Тошкент шаҳар, Куйбишев районидаги Якуб Колас кўчаси, 19-уйда истиқомат қилган 15 ёшли Аъзам Тошхўжаевдан сўрадик:

— Нега бу ерга тушиб қолдингиз?..

— Мактабга бормасдим... Зерикарли эди. Энди эса ҳунар эгалладим. Бу ердан чиққач ишлайман... У отаси, онасининг меҳрибонликларини эслади, уларни соғинганини гапирди. Футболга қизиқишини айтди. Икки ойлик «озодликдан» кейин қайтариб келтирилган тошкентлик Руслан Исметов ҳам Аъзамнинг тенгдоши.

Навоийлик Дима Короткиҳ бир ярим йилдан буён билим юртида. У «Навоиазот» заводида меҳнат қилаётган Лариса Короткиҳнинг ёлғиз фарзанди.

— Бир болани ургандим, — дейди у. — Энди афсус қилаяпман...

Диманинг омонат дафтарчасида 600 сўм пул йиғилибди.

— Онамга бераман. У кишининг оёқлари оғрийди, — деди у ўйчан ҳолда. Ачиниш, соғинч билан айтилган бу сўзларни ҳаётнинг беаёв тақдирига йўлиққан 15 яшар болакай айтаётганига ишонгинг келмайди.

Билим юрти директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича муовини Идилия Корчак билан бўлган суҳбатимиз ҳам оғир кечди.

— Бу ердаги ёшларнинг қисмати мураккаб. Улар ота-она меҳридан, дўст-бародарлар кўмагидан айри яшашга маҳкумлар. Юқорида 5 нафар тарбияланувчининг таътилга юборилганини айтгандик. Қонун бўйича бу таъқиқланади. Начора, бола қалбини кўра туриб унга ишонмаслик мумкин эмас. Соғинч ва армонини ҳис қила туриб беэътибор бўлишга одамийлигимиз йўл қўймас экан...

Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Афсуски, кейинги пайтларда баъзи оилаларда миллий урф-одат, анъаналар топталди. Кимлардир енгил-елпи ҳаёт учун фарзандлар тақдирини унутишмоқда. Фоҳишабозлик, айшу ишрат иллатларининг гувоҳи бўлган ёшларга мактаб, маҳалладаги таълим-тарбия асқотмай қолди. Бундай ўсмирлар заҳарланган табиат қўйнидаги мурғак дарахтдек яшаш учун курашга интилаётир. Бунинг оқибати нечоғлик оғир эканини юқоридаги болалар тақдирида кўриб турибмиз.

Хўш, улар қалбига йўл топиш, бу ердан покиза инсонлар бўлиб чиқишлари учун нима қилмоқ керак? Албатта ушбу муаммони бирданига ҳал этиш қийин. Аммо астойдил ҳаракат, жиддий эътибор билан ишни жонлантириш мумкин-ку?

А. Яшиннинг айтишича, бу ерда ўғирлик қилған ҳам, қотилликка қўл урган ва ҳатто мактабга боришдан бош тортганлар ҳам бирга яшаётир. Ёмон муаллимга зарда қилган болакайни «адашиб» қотиллик йўлига кирганлар қаторида тарбияланиши педагогика талабларига зид эмасми?! Нега мутасадди ташкилотлар раҳбарлари бу ҳақда бош қотирмаётирлар?

Яна бир муаммо. Юқорида 27 нафар тарбияланувчининг «озодлик»да юрганини айтгандик. Уларнинг баъзилари билим юртидан ташқарида турли жиноятларга қўл урмоқдалар.

18 ёшли Алексей Кузнецов 1988 йилнинг 26 декабрида бир ҳафтага уйига юборилганича қайтмаган. Тақдири номаълум. Турли идораларга жўнатилаётган сўров мактубларининг бирига Тошкент шаҳар Киров райижроқўми балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссиясидан унинг жиноят устида қўлга туширилгани маълум қилинади. Суд 1990 йилнинг 14 февралида ўтказилиши айтилган. Бироқ ўз тарбияланувчилари тақдирига қай тарзда нуқта қўйилгани ҳақида билим юртидагиларга ҳанузгача маълумот етиб бормаган.

Тарбияланувчи Бахтиёр Мирзакаримовни шу йилнинг январь ойида милиция ходимлари олиб кетишган. Шу кунгача ундан на хат, на хабар бор...

Тақдири номаълум бу ўсмирлар учун фақат билим юрти жавобгардай. Аслида масъулиятни ҳар бир ота-она, маҳалла-куй, мактаб ва умуман ёш авлод тарбиясига мутасаддиларнинг барчаси ҳис қилмоғи жоиз. Шундагина жамиятнинг мана шу оғриқ нуқтасига малҳам топган бўламиз.

Айрим ҳолларда фарзандлар қисматининг бу қадар юпунлашувига ота-оналар ҳам сабабчи бўлишаяпти. Гагарин районидаги «Комсомолобод» совхозидан келган Умид Холиқов билан суҳбатлашганимизда у ўз ота-онаси исми-шарифини айтишдан бош тортди.

— Шароити эмас, муҳити оғир оиладан, — деди Идилия Ивановна. — Уларда ҳамма нарса етарли. Меҳр, эътибор етишмайди, холос.

Бўлиб ўтган барча суҳбатларда ФОЖИА сўзига кўп урғу берилди.

Фожиа...

Мени билим юртига келтириб қўйган такси ҳайдовчисида ана шу сўз таъсирида юзага келган бир ёқлама фикр бор эди:

— Ука, бу ерга келганлар энди тузалмайди. Бугун чиқиб, эртага қамоққа равона бўлаётганларини кўп кўраяпмиз. Қанчаси қочиб юрибди уларнинг. Бўлажак маҳбуслар-да...

Бир пайтнинг ўзида ҳақиқатдан йироқ ва ҳақиқатга яқин фикр бу. Жамиятимизда жиноятчиларнинг кирдикорлари тобора ортиб бораётгани янгилик эмас. Бироқ бу мурғак қалбларга ишонмаслик — улар тақдирига бефарқ қараш мумкин, деган маънони англатмаслиги керак. Биз шундай имконият, йўл-йўриқлар излайликки, токи «махсус»лар тамғаси остида юрган ўсмирлар маҳбуслиққа даъвогарлар сифатида номланмасинлар. Улар келажакда ақли расо, баркамол кишилар бўлиб етишсин.

М. АБДУРАҲМОНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Қизлар дафтаридан

МЕҲРИМ

Халқим, садоқатли фарзандларинг кўп,
Дардчил юрагингга малҳамлар босар.
Табаррук сен эккан ҳар бир гиёҳ, чўп,
Меҳринг дарахтлари юракда ўсар.
Эгилган бошингни кўтар улуғвор,
Кўксинг янгиланиш шамолига оч.
Сени йўқлаб келди чинакам баҳор,
Яхши ният билан ерга уруғ соч.
Бу кун ўз-ўзини яхши кўрганлар
Қаллоб, буйруқбозлар кетди тегрангдан.
Бу кунга етмайин гўрга кирганлар
Руҳи покланмоқда туҳматдан, зангдан.
Сен ўша Усмонлар кўзидаги нам,
Акмал, Файзуллалар етмаган орзу.
Жафокаш кўксингга кел босай малҳам,
Шеър бўлиб қуйилсин меҳрим серёғду.
Халқим, иродангда чўққилардай тик,
Қодирийнинг ўлмас, ўжар руҳи бор.
Юсуф ҳожи сенсан, аслида буюк,
Изингни кўмолмас на кўчки, на қор.

Муҳтарама **ЭГАМБЕРДИЕВА.**

БОБОЖОН

Қирқ йилдан ошса ҳам унинг кўзидан
Тирқираб кетади беаёв кунлар.
Ғамлар муҳрланган заъфар юзидан
Тавоф қилиб ўтар осуда тунлар...
Унга азоб берган эмас ногирон —
Резина қопланган бир қарич оёқ...
Унинг тушларида йиғлаб чиқар қон,
Муқаддас тепалик, қўш қўлтиқтаёқ!..
Ул ўтли кунлардан ёдгор ҳамдарди —
Юраги тепади, ҳам қўш таёқлар
Узун тунлар бўзлаб, бўлишиб дардин,
У билан дўстларнинг руҳин сўроқлар...
Қирқ кун қирон солиб ажал зотига,
Қирқ бир йигит шунда тутдай тўкилди.
Қирқ йил умрин боғлаб дўстлар отига —
Юрагининг қирқ бир чоки сўкилди...
Бир парча заминни алишиб олди,
Дўстлар, оёқларин қурбон бериб ул.
Қон қусгур фашистни тўхтатиб қолди
Ўн икки миллатли қасоскор дўст қўл!
Хоксор бўйингизга ғамнок термулиб,
Бир жуфт оёқ бўлгим келди, бобожон...
Яғир қўлтиқлардан таёқни юлиб,
Қўлтиқтаёқ бўлгим келди, бобожон...

Меҳринисо ОИДИНОВА.

ҚАНОАТ

Неки топган бўлсам, тупроқдан топдим,
Емадим едириб, киймай кийдириб.
Тунлар ерга ботиб кетмоқда кифтим,
Қийнар йиртиқ халтам тушмга кириб.
Боснқираб кетгум шунда гоҳида,
Кўринса йиртилган халта хирмони.
Бир тўп қароқчилар кулар, ортида —
Бир тўп камбағалнинг бўғзида жони.
Юмшоқ тўшакларга оқ ғилоф солган
Бут уйи бўлмаса шўрлик деҳқоннинг,
Қандоғам ер битсин, тош ерга ботмай?
Қандоғам тош бўлмай туролсин жони?!
Бир сиқим қувончнинг таъмин тотиш-чун,
Жонини минг қуйга солгани етар.
Баҳраманд бўлганлар ортида ҳануз
Бир сиқим бу даҳшат кўринмай ётар
Умрбод тагини юмшатиб келдим,
Пойига эгилиб «шукр» сўзининг.
Бу дарахт гуллару мева тугмайди,
Қорнини тўйдирмас етим қизнинг.

Жумагул СУВОНОВА.

Жумҳурият Ички ишлар вазирлиги хабарларидан

УСТАВ АСОСИДА

20 ёшли К. билан 23 ёшли Х. омборларни қўриқлаб соқчиликда турган оддий аскар У. Ражабовдан автомат ва ракетницани беришни талаб қилишди. Улар ҳарбий қисмга мотоциклда келишди. Соқчи устав асосида иш тутиб, уларга қўриқланаётган жойдан кетишни таклиф қилди. Чақирилмаган меҳмонлар ўз билганларидан қолишмади, осмонга қарата отилган огоҳлантирувчи ўқни писанд қилишмади. Шундан сўнг ҳарбий қисматчи уларнинг ўзларига қарата ўқ узишга мажбур бўлди. Ярадорлар госпиталга жўнатилди. Ушбу ҳодиса юзасидан ҳарбий прокуратура тергов олиб бормоқда.

САЁҚ ЮРГАН...

Маст ҳолатдаги 22 ёшли В. Машкин икки ошнаси билан бирга Қарши шаҳар ички ишлар бўлимининг милиционери А. Назаровга ҳужум қилди. Осмонга отилган огоҳлантириш ўқлари безориларни тўхтата олмади. Шундан кейин милиционер энг ашаддий безорининг оёғини мўлжаллаб ўқ узди. Соғайиб кетганидан кейин Машкин тергов қилинади.

ҚОНУН ЙЎЛИ БИЛАН

Статистикадан маълум бўлишича, ҳар куни Тошкент аэропортида, вокзалларда юклар текширилганида қорадори олиб кетаётган шахслар рейслардан четлаштирилади. Мана айрим фактлар:

П. Шевчук Тошкентдан Днепропетровскка кетаётганида ундан наша аломатлари бўлган 2,5 грамм модда топилган. Материал ҳарбий прокуратурага топширилган. «Жанубий Тошкент» станциясининг кутиш залида С. Торчуков ушланди. Ундан 1,3 грамм наша топилди. Ишни ҳарбий прокуратура текшираяпти. Шу кунинг ўзида аэропортда Тошкент—Свердловск рейсига чиқмоқчи бўлиб турган ўн саккиз ёшли йўловчи И. Моисеевдан 21 грамм қорадори топилди.

Тошкент—Красноводск поездида 28 грамм қорадори олиб кетаётган Воробьев қўлга олинди.

Андижон вилоятида яшовчи Д. Аҳмадалиевдан «Жанубий Тошкент» станциясида 200 грамм қорадори тортиб олинди.

Навоий станциясида Қашқадарё вилоятидан бўлган сабзавоткор Р. Пакдан 47 грамм қорадори топилган.

Қорадорини сақлаганлиги учун жиноий жавобгардик белгиланган қонунларда оғир жазолар кўзда тутилганлигини унутмаслик керак.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг матбуот маркази.

СПОРТ ахбороти

ФУТБОЛ

Югославия ва СССР ёшлар терма командалари ўртасида Европа биринчилигининг илк финал учрашуви бўлиб ўтди. Дастлабки дақиқаларданоқ ҳар икки томон ҳужумга зўр бердилар. 9-минутда совет футболчилари биринчи бўлиб ҳисобни очдилар. Шундан сўнг мезбонлар майдон бўйлаб фаол ҳаракат қилишлари натижасида жавоб тўпини киритдилар. Биринчи бўлим тугашига беш минут қолганда терма командамиз марказий ҳимоячиси Чернишев майдон эгалари дарвозасига иккинчи тўпни йўллади.

Танаффусдан сўнг ўйин янада кескин тус олди. Олдинига Сидельников ҳисобни 3:1 га етказди. 62-минутда югославиялик Ярни муваффақиятга эришди — 3:2. Матч тугашига саноқли минутлар қолганда югославияликлар Шалимовни жарима майдонида қўполлик билан йиқитишди. Натижада учрашув ҳаками пенальти белгилади. Добровольскийнинг аниқ зарбидан сўнг мамлакатимиз футболчилари 4:2 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Олий лигада учта учрашув ўтказилди. Энг қизиқарли матчлардан бири Москванинг «Спартак» командаси Ярославлда «Торпедо» коллективидан устун келди — 4:2.

Бошқа учрашувлар натижаси: «Сокол» (Киев) — «Автомобилист» (Свердловск) — 6:2, «Динамо», (Рига) — «Итиль» (Қозон) — 7:2, «Химик» (Воскресенск) — «Торпедо» (Нижний Новгород) — 1:3.

БОКС

Ирландия пойтахти Дублинда жаҳон кубоги учун мусобақалар давом этаяпти. Мариуполлик Евгений Зиков биринчи даврада канадалик кучли боксчи Грег Жонсонни енгиб, соврин учун курашни давом эттирадиган бўлди.

Умуман мамлакатимизнинг чарм қўлқоп усталари чорак финал «жанг»ларида кўнгилдагидек иштирок этмаяптилар. Жумладан гурьевлик Болат Темиров кубалик Раул Гонсалисдан енгилди. Олмаоталик Бахти Омонбоев эса Жанубий кореялик Хон Сен Сига ютқазди.

ДЗЮДО

Польшанинг Ольштин шаҳрида дзюдочи қизлар ўртасида ўтказилган мусобақа ниҳоясига етди. Европа биринчилигига тайёргарлик кўраётган СССР терма командаси фақат польшаликларга ютқазиб иккинчи ўринни эгаллашди.

Шахсий ҳисобда могильевлик Татьяна Москвина, брянсклик Елена Полякова ғолиб чиқишди. Панивижесклик Ева Вайтекунайте ва красноярсклик Марина Ковригина бронза медали билан тақдирландилар.

Муҳаррир ўринбосари Н. ЕҚУБОВ.

Ойнаи жаҳонда

8 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.
*
10.00 «Пан Кляксанинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 1-серия (СССР—ПХР).
11.40 Анвар Обиджон. «Қўнғироқли ёлғончи». Й. Охунбобоев номидаги жумҳурият Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
13.00 Ёш ижрочилар концерти.
Тижорат кўрсатуви
13.45 «Иш ўнгидан келганда...». Фарғона вилояти «Агроммунстройремонт» трестида уйжой қурилиши ишлари ҳақида.
* * *
17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Фил ва Қушча». Қўғирчоқ фильм.
18.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Наманган гуллари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Эстрада шинавандалари, Сизлар учун!».
20.15 «Тоғ қўллари сири». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
20.30 Москва. «Время».
21.00 Оқшом эртаклари.
21.15 «Едгорлик». Ёзувчи ва драматург Бехбудий.
22.00 «Ҳафтанома».
22.40 «Артист»нинг хайрлашув гастроли». Бадиий фильм («Мосфильм»).
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
9.00 «Савту калом». Гулрухсор шеърлари асосида адабий-мусиқий кўрсатув.
9.50 «Ғолиб». Бадиий фильм.
11.05 «Хазонрезгилик пайти». Фильм-спектакль. 1 ва 2-серия-лар (рус тилида).
* * *
17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 Болалар учун концерт.
18.15 «Ғолиб». Бадиий фильм.
19.30 «Новости».
19.50 Халил-ал-Мадхун. «Ўғрилик». Теленовелла премьераси.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Нури зиндаги». Ленинобод шаҳри.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Нури зиндаги» кўрсатувининг давоми.

● МТ I
6.00 «120 минут».
8.00 «Чашмалар».
8.30 «Сиз яратган боғ».
9.00 Москва шаҳар хореографик коллективларининг концерти.
9.40 «Партнёр». Тижорат хабарномаси.
10.10 «Инсон. Ер. Коинот».
11.10 Сергей Тарасов чалади (фортепьяно).
11.30 «Ғолиблар».
12.30 Корея халқ армияси ашула ва рақс ансамблининг концерти.
13.00 Полтава бадиий музейи.
13.25 Болалар учун фильм. «Том Сойер ва Гекльберри Финнинг саргузаштлари». 1 ва 2-серия-лар (Одесса киностудияси).
15.45 «Оғир юк». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан курашган Рига шаҳрилик ҳуқуқ ҳимоячиси В. Богданов ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран» ва ижтимоий-сиёсий кўрсатувлар Бош муҳарририяти).
16.30 «Ҳайвонот оламида».
17.30 «Халқаро панорама».
18.15 «Анна Ахматова ҳақида хотиралар». Телевизион фильм премьераси.
19.20 «Буқаламун». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия (Литва телевидениеси).
20.30 «Время».
21.00 СССР ҳукуматида.
21.10 «Буқаламун». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
22.15 «Қуш учганда». Р. Карцев ва В. Ильченко иштирокида телевизион спектакль премьераси. Муаллиф — М. Жванецкий.
23.50 «ТСН».
00.05 Чет эл эстрадаси артистларининг концерти.

● МТ II
7.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
7.50 Мамлакат театрлари намойиш этади. «Ахлатхона». Ногин драма театри фильм-спектаклининг премьераси. Муаллиф — А. Дударев.
10.45 Миллий баскетбол ассоциацияси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. Финал. «Портленд» — «Детройт».
11.45 «Оила» телепрограммаси.
12.45 «Майдон». Спорт программаси.
13.45 «Ҳамдўстлик» видеоканали.
●
16.15
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
●
18.45. «Уч айиқ». Мультфильм.
18.55 В. Пикайзен чалади (скрипка).
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Ўзга сайёраликлар». 1-кўрсатув.
19.45 Эркин кураш. Жаҳон чемпионати. Японияда кўрсатилади.
20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).
21.00 РСФСР Олий Совети сессиясининг кундалиги.
22.00 Катталар учун мультфильмлар: «Қандай қилиб инсон бўлиш мумкин», «Барча шайтонларни доғда қолдириб».
Тунги сеанс
22.40 «Севимли қўшиқлар». Киноконцерт.
23.20 «Иккиёқлама ўйин». «Полициянинг телефони «110» туркумидан телевизион бадиий фильм (ГДР).

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб: — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33, Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Д. 1261.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12